O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ARXIVI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **24** август, жума № **34** (2213).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **24** августа, **2007** год, № **34** (2213).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Мустақиллик бу - аввало ҳуқуқдир. Яъни, ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, темир йўл транспорти соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилишидаги қаҳрамонона меҳнати учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти **Маҳкамов Ҳамза Ҳайитович**га **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон – **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

22-23 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов маъруза қилди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов мазкур масала бўйича қўшимча маъруза қилди. Савол-жавоблардан сўнг муҳокама бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

Депутатлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати биринчи ярим йилликда даромадлар харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилганлигини, Вазирлар Маҳкамаси бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, солиқ тушуми механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилганлигини таъкидладилар. Ҳукумат томонидан, шунингдек, бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш ҳам таъминланди.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Ражабов депутатларга ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг зарурлиги ва ўз вақтида амалга оширилаётганлигини таъкидлаб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов тақдим этди. Ҳужжатни кўриб чиқиш жараёнида депутатлар уни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар билдирдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида депутатларга ахборот берди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар томонлама муҳокамасидан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонунчилик палатаси мажлисда сўзга чиққан депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, муҳокама қилгач, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов маъруза қилди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганларидан сўнг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА.



Камолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Истиқлол завқидан қувватланар қалб

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олдидан

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмалари, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Энг улуғ ва энг азиз» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Бобур Алимов, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани сингари оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳодимларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамиятини сингдиришда ижод аҳлининг ўрни беқиёсдир.

Ўн йилдан буён изчил ўтказиб келинаётган «Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танлови бу борада самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Юртбошимизнинг 2007 йил 30 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра мазкур танлов жорий йилда янада юксак савияда ташкил этилди. Бу йилги танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан беш мингга яқин ижодий ишнинг келгани беллашувнинг юртимизда тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Тадбирда танлов ғолибларига диплом ва совғалар топширилди. Совриндорлар кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

ЎзА.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



УСТУВОР МАҚСАДЛАРИМИЗГА МУШТАРАК

"Истиқлол йилномаси" китобида 1992 йилнинг 25 август санасига "Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни эълон қилинди", деб ёзиб қўйилган. Демак, миллий армиямиз шаклланиши йўлида қабул қилинган илк муҳим ҳужжатларидан бири бўлган мазкур қонуннинг эълон қилинганига 15 йил тўляпти.

Қуролли Кучларимизни барпо этишнинг ташкилий даврида қабул қилинган мазкур қонун билан миллий армиямиз сафларини бутлаш, фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, чақирув участкаларида қайд этиш, ҳарбий хизматни ўташни, захирада хизмат қилишни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни тартибга солдик.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



НЕЗАВИСИМОСТЬ: ШЕСТНАДЦАТАЯ ВЫСОТА

В первые годы независимости Президент страны Ислам Каримов сказал: "Цель нашей политики - создать истинно независимый Узбекистан. Эта политика всесторонне учитывает в первую очередь - специфику нашей страны, ее конкретные условия, национальные и культурные традиции живущих в ней людей". И утверждал: "Узбекистан - государство с великим будущим. Мы хотим построить независимое, демократическое, правовое общество".

(Продолжение на 4-й стр.).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЎЗБЕК ТАСВИРИЙ САНЪАТИ ДАРҒАСИ

Рассомнинг умри унинг чизган расмларида, яратган мукаммал образларида узоқ йиллар давом этади. Маҳорат билан яратилган асарлар йиллар синовидан бехатар ўтиб, томошабинлар учун маънавий-маърифий ҳамроҳ бўлади. Ўзбекистон халқ рассоми, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати Чингиз Аҳмаровдан мерос бўлиб қолган тасвирий санъат асарлари тўғрисида ҳам шу фикрларни билдириш мумкин. Бу буюк санъаткоримиз, машҳур рассомимиз ҳаёт бўлганларида шу кунларда 95 ёшни қаршилаган бўларди...

(Давоми 8-бетда).



4 ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

«ИСТИҚЛОЛНИНГ ҲАР ОНИГА ШУКРОНА»



5 КУРСОМ РЕФОРМ

ОБОГАТИЛИСЬ НОВЫМИ ЗНАНИЯМИ



10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

КУЧ ВА БИЛИМ УЙҒУНЛИГИ



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИСИ

ТЫЛ – ВАЖНЕЙШАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ БОЕГОТОВНОСТИ

С ЗАБОТОЙ О КАЖДОМ СОЛДАТЕ, СЕРЖАНТЕ

В Праздничном поздравлении защитникам Родины Президент Республики Узбекистан, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами И. А. Каримов подчеркнул, что важнейшей задачей государства и нашего общества должно стать дальнейшее усиление целенаправленной работы по социальной защите военнослужащих и их семей, обеспечению их жильем, улучшению бытовых условий и медицинского обслуживания. Эта задача приобретает особую значимость не только потому, что 2007 год объявлен Годом социальной защиты. Ее непреложное значение обуславливается прежде всего тем, что в современных условиях только хорошо подготовленные, сильные, всесторонне оснащенные и социально обеспеченные Вооруженные Силы могут стать твердой опорой и надежной гарантией безопасности и стабильности, неприкосновенности границ и целостности страны, мира и спокойствия людей.

Каждый гражданин, проходящий службу в нашей национальной армии, находится под опекой и постоянной заботой государства. Благодаря этому он за короткий срок мужает, набирает силу, становится высококлассным специалистом, любящим свою страну молодым человеком, которым гордятся родные и близкие. Сегодня в тыловых учреждениях и подразделениях уделяется огромное внимание вопросам материальной поддержки и социальной защиты военнослужащих, особенно солдат срочной службы. Благодаря вниманию и заботе руководства государства служба в рядах Вооруженных Сил страны становится престижной целью для молодежи. С чувством благодарности вспоминают год солдатской службы или месяц сборов мобилизационного призывного резерва сотни тысяч молодых людей, для которых они стали фундаментом собственного становления, открыли широкие возможности в выборе жизненного пути, получении высшего образования.

Накануне 16-й годовщины независимости Республики Узбекистан в редакцию газеты «Ватанпарвар» поступает немало писем с просьбой рассказать о тех больших изменениях, которые буквально на наших глазах происходят в каждом подразделении, каждой воинской части в деле улучшения жизни и быта военнослужащих. Обобщив вопросы, поступившие от читателей, редакция газеты «Ватанпарвар» попросила ответить на них заместителя министра обороны по тылу и капитальному строительству полковника Виталия ХОДЖАКУЛОВА.



– Что сегодня делается тыловыми службами Министерства обороны по выполнению поставленных Президентом Республики Узбекистан Исламом Абдутаниевичем Каримовым задач по обеспечению социальной защиты военнослужащих, повышению престижа военной службы среди молодежи?

– Вопросы усиления социальной защиты военнослужащих и повышения престижа военной службы являются важнейшими составляющими военной реформы. В соответствии с программой социально-экономического и общественно-политического развития страны в нашей республике заложены прочные основы правового, демократического государства, гражданского общества, создана принципиально новая национальная армия, способная надежно и эффективно решать стоящие перед ней задачи.

В Министерстве обороны коренным образом пересматриваются прежде всего социально-бытовые условия проживания и несения службы рядовым, сержантским и офицерским составами. Создается современный жилищный фонд, благоустраиваются военные городки, улучшаются коммунальные и социально-бытовые условия, обеспечивающие комфортное проживание военнослужащих и их семей.

Реализуется целевая программа, направленная на совершенствование деятельности системы военной торговли по оказанию широкого спектра социально-бытовых услуг в военных городках. Совместно с Общественным движением молодежи «Камолот» разработан и реализуется проект под названием «Ёш харбий оила», предусматривающий создание в частях сервисных служб по оказанию семьям военнослужащих комплекса социальных и бытовых услуг. Проектом предусмотрено предоставление в личное пользование на условиях аренды (напрокат) молодым офицерам и сержантам необходимой бытовой техники и мебели, создание служб по организации досуга семей военнослужащих. Соответствующая высококачественная мебель производится одним из предприятий Министерства обороны Республики Узбекистан.




Фасад главного здания Джизакского ВВАУ.



Спальное помещение курсантов.



Здание курсантского общежития ТВОКУ.



Зал для приема пищи в воинской столовой.



Современное кухонное оборудование.

– Столовые для военнослужащих за последние годы кардинально изменились: столики на четверых, современные сервизы, блюда национальной кухни, свежие фрукты и овощи. Что сегодня делается в воинских частях по дальнейшему улучшению питания личного состава?

– Об особом внимании к обеспечению полноценного и качественного питания военнослужащих говорит тот факт, что на сегодняшний день наш общевойсковой паек – самый калорийный в странах СНГ и составляет 4377,3 килокалории. Совместно с органами местной власти приняты меры по оснащению столовых современным технологическим оборудованием, высококачественной посудой, создаются комфортные условия для приема пищи и полноценного питания военнослужащих. В солдатских столовых частей и подразделений, к примеру, сегодня накрываются столовые приборы типа «Баттерфляй», изготовленные из высококачественной полированной стали.

При наличии выбора производителей немаловажное значение имеет контроль над качеством поставляемого продовольствия. С этой целью все войсковые склады оснащаются самым современным лабораторным оборудованием, позволяющим проводить тщательный анализ физико-химических свойств продуктов питания.

Согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию продовольственного обеспечения военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан» с 2005 года введены новые, более совершенные и калорийные рационы питания для военнослужащих. В целях совершенствования продовольственного обеспечения разработаны и введены в действие совместными постановлениями руководителей силовых структур новое положение о продовольственном обеспечении военнослужащих, единые требования по организации питания личного состава, а также правила технологии обработки продуктов и приготовления пищи.

– Многие наши читатели просят подробнее рассказать о том, что полагается сегодня ежедневно подавать на стол каждому военнослужащему?

– Совместно с АК «Узбексавдо», Министерством здравоохранения, с привлечением ведущих специалистов-диетологов и инженеров по питанию разработаны технологии и рецептуры приготовления пищи, составлены картотека блюд и примерные сезонные раскладки продуктов по основным пайкам. Кроме того, увеличены нормы выдачи на одного человека в сутки: мясо – 200 г (увел. на 50 г), рыба – 120 г (увел. на 20 г), а также нормы выдачи овощей и других продуктов. В солдатских столовых два дня в неделю на завтрак выдаются сосиски и сардельки. Для личного состава, заступающего в караул, выдается дополнительное питание, включающее хлеб, колбасу, масло, сахар и печенье.


С мая месяца части обеспечиваются качественными свежими овощами и зеленью. В воинских частях Министерства обороны Республики Узбекистан по инициативе Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова начиная с 2006 года созданы подразделения тылового обеспечения по выращиванию и производству сельхозпродукции, в которых работают специалисты сельского хозяйства из числа гражданского населения. Они выращивают и производят высококачественную продукцию, сдают ее на обеспечение личного состава воинских частей, а также реализуют семьям военнослужащих по ценам не выше среднерыночных.

В целях совершенствования, обобщения и распространения передового опыта по организации питания, создания комфортных условий для приема пищи военнослужащими, поднятия уровня содержания столовых, качества приготовления блюд, культуры приема пищи личным составом, санитарно-гигиенического состояния приказом министра обороны ежегодно проводится смотр-конкурс на лучшую войсковую столовую Министерства обороны Республики Узбекистан.



В солдатское меню входят национальные блюда.







ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

И ОФИЦЕРЕ РАБОТАЮТ СЛУЖБЫ ТЫЛА

– Как сказываются последние изменения в улучшении питания военнослужащих на их здоровье?

– Всего несколько лет назад с целью улучшения здоровья личного состава в войсковых столовых появились фитобары. Они созданы по рабочим чертежам, разработанным институтом «Военпроект», и обеспечены современным оборудованием для приготовления и разлива целебных напитков. Это стало возможным потому, что сегодня в ежедневный рацион питания военнослужащего дополнительно включены: молоко – 100 г, соки плодово-ягодные – 50 г, фрукты свежие –100 г, жиры животные – 10 г, а также 1 драже витаминного препарата «Ундевит», бальзам «Шарк табиби», которые выдаются в осенне-зимнем периоде; одна таблетка аскорбиновой кислоты с глюкозой, сироп из плодов шиповника – 20,04 г, которые выдаются в весенне-летнем периоде. Заключены договоры с предприятиями ГАК «Узфармсаноат» на закупку бальзамов, трав и поливитаминов.

Качественно изменилась деятельность военных медицинских учреждений. После большой работы по совершенствованию и развитию инфраструктуры полностью преобразился Центральный военный клинический госпиталь. С передислокацией на новое место созданы прекрасные условия для лечения военнослужащих в Нукусском военном госпитале. Создаются и благоустраиваются военные санатории, что позволит создать идеальные условия для отдыха и восстановления здоровья военнослужащих и членов их семей, проживающих в неблагоприятных климатических условиях. Для детей военнослужащих повсеместно созданы благоустроенные детские сады, школьники ежегодно имеют возможность отдохнуть в оздоровительных лагерях.


Все это стало важным шагом для создания условий по превращению армейской службы не только в школу мужества и патриотизма, но и в место, обеспечивающее здоровое физическое и нравственное возмужание нашей молодежи. Результаты медицинских исследований показали, что после введения новых норм питания у военнослужащих срочной службы и курсантов отмечена положительная динамика увеличения веса и роста. Снизился и общий уровень заболеваемости военнослужащих Министерства обороны Республики Узбекистан.



Приготовление витаминного напитка из бальзама «Шарк табиби».




Современное медицинское оборудование.



Фитобар в воинской столовой.

Лечебный корпус Центрального военного клинического госпиталя.



Вариант военной формы военнослужащих в полной экипировке.



Каждый призывник перед отправкой в войска обеспечивается спортивной формой.



Вариант военной формы военнослужащих для пустынной местности.



– Мы все понимаем значение военной формы одежды, которая должна не только быть удобной для выполнения военнослужащими своих повседневных обязанностей, но и служить символом нашей армии. Что предпринимается для того, чтобы она была предметом гордости каждого солдата, сержанта и офицера?

– В последние годы на качественно новый уровень поднялась и работа вещевой службы, направленная прежде всего на своевременное обеспечение личного состава вещевым имуществом, моющими и техническими средствами. С целью дальнейшего совершенствования формы одежды всех категорий военнослужащих и осуществления контроля над качеством опытных образцов вещевого имущества недавно создан Опытно-конструкторский экспериментальный центр (ОКЭЦ).

Не секрет, что нашим военнослужащим необходимо проходить службу и выполнять учебно-боевые задачи в сложных географических и климатических условиях пустынной и горной местности. Все эти особенности предусмотрены в выпускаемых на наших предприятиях образцах полевой формы одежды. Особое внимание уделяется обеспечению безопасности военнослужащих в ходе боевой учебы, исключению фактов травм среди личного состава. Уже сегодня на наших предприятиях освоены такие элементы формы, как подлокотники, наколенники, кашне и шарфы, шейные платки, очки и перчатки. В них военнослужащему удобно и безопасно в самых экстремальных условиях боевой учебы, при выполнении различных боевых и служебных задач.

Продолжается работа по разработке новой формы одежды для военнослужащих, оформлен альбом эскизов с описанием образцов новой военной формы одежды и знаков различия военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Создана рабочая группа из представителей Управления вещевого обеспечения Главного управления тыла Министерства обороны Республики Узбекистан, Института искусствоведения, Института истории Академии наук Республики Узбекистан, Национального университета Узбекистана, Государственного музея истории, Академии художеств Республики Узбекистан и Ташкентского института текстильной и легкой промышленности. Рабочей группой проведены совещания, по результатам которых с учетом национальных особенностей, исторических фактов и современных требований изготовлены знаки различия военнослужащих.

Специалистами ОКЭЦ Главного управления тыла Министерства обороны Республики Узбекистан разработаны эскизы маскирующего обмундирования для снайперов и воинов других воинских специальностей с учетом особенностей географических ландшафтов местности Республики Узбекистан. Пошив данных образцов был организован на МПУП «Ашевий буюмларни тикиш ва таъмирлаш» Министерства обороны Республики Узбекистан. В настоящее время испытания маскирующего обмундирования проводятся личным составом подразделений непосредственно в частях.

В последнее время ОКЭЦ занимается разработкой обмундирования для летного и инженерно-технического состава Военно-Воздушных Сил. Изготовление опытных образцов также планируется организовать на предприятиях местной промышленности. Со временем военнослужащие каждой специальности получат индивидуальное обмундирование, полностью соответствующее специфике выполняемых ими учебно-боевых задач.

Вот уже несколько лет как все призывники обеспечиваются спортивной формой одежды и обувью установленного образца на сборных пунктах управлений по делам обороны. Эта новая традиция – свидетельство заботы и внимания нашего государства к нуждам призывников, которым не надо сегодня думать об отправке домой личных вещей. Форма переходит в их личное пользование и способствует приобщению к спортивно-массовой работе в подразделении. Благодаря высокому качеству и долгому сроку службы она пригодится военнослужащему и после возвращения домой для занятий физкультурой и спортом.


– У многих родителей воинов остались самые благоприятные впечатления о военных городках, в которых проходят службу их сыновья. Что сегодня делается по обеспечению комфортного проживания военнослужащих и членов их семей?

– В соответствии с задачами, определенными руководством страны, поэтапно выполняются мероприятия по совершенствованию инфраструктур военных городков. Так, уже созданы современные условия для размещения военнослужащих во всех высших военно-образовательных учреждениях и школах подготовки сержантов.

Институтом «Военпроект» разработаны три базовых варианта решений генеральных планов военных городков с социальной инфраструктурой для условий равнинной, пересеченной и горной местностей на примере мотострелкового батальона. Варианты разработаны с учетом возможности комбинирования для конкретной воинской части. При разработке вариантов военных городков предусмотрено создание необходимой социальной инфраструктуры – школы, детские сады-ясли, медучреждения, комбинаты бытового обслуживания, торгово-бытовые и коммунальные сооружения, места проведения досуга и отдыха военнослужащих и членов их семей.

Конечная цель – создание современных условий для размещения военнослужащих во всех военных городках воинских частей.

Беседу вел Владимир КАЛОШИН,
корр. «Ватанпарвара».



Типовые проекты военных городков.

Современная умывальная комната подразделения.



Бытовые комнаты удобны и комфортны.

ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

НЕЗАВИСИМОСТЬ: ШЕСТНАДЦАТАЯ ВЫСОТА

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

И вот нашей независимости шестнадцать лет. Мы шли к этому дню как по ступеням, каждый год поднимаясь все выше и выше. Нынешний День независимости – это наша шестнадцатая высота. Сегодня мы на гребне, с которого отчетливо просматриваются и пройденные годы и дали будущего. И прежде всего – день вчерашний и день сегодняшний. Пройдет совсем немного времени, и тысячи наших сограждан, облеченных доверием своих партий, предприятий, производств, фирм, учреждений науки и образования, герои сегодняшних достижений нашей независимости, лучшие из миллионов наших людей, чей ум, чьи руки, чья вера в идеалы независимости подняли нас на невиданную ранее высоту, придут на торжества, посвященные 16-летию независимости, чтобы вместе с Президентом страны подвести краткие итоги пройденного страной поистине героического пути.

Давайте и мы с вами объективным взглядом посмотрим на прошедшие шестнадцать лет, чтобы определить, чего мы достигли за шестнадцать лет независимости.

В области экономики. Это были годы последовательной реализации «узбекской модели» перехода к рыночным отношениям, годы стабилизации экономики, а затем обеспечения неуклонного ее роста стабильно высокими темпами. Если в середине этого периода прирост валового внутреннего продукта составлял около 4 процентов, то в последние годы он составляет 8–9 и более процентов. Рост ВВП за первое полугодие текущего года составил 9,7 процента. Такая же картина и в основных отраслях промышленности. Сегодня обеспечиваются устойчиво высокие темпы роста всех сфер и отраслей экономики и ее динамичное развитие.

Особенно разительны успехи **в структурной перестройке экономики.** Такие гиганты современной индустрии, как Асакинский автомобильный, Самаркандский автобусный, Бухарский нефтеперерабатывающий заводы, Кызылкумский комбинат фосфоритов, Кунградский содовый завод, многие современные предприятия химической, текстильной, пищевой промышленности, являются гордостью узбекского народа. Именно они не только определяют лицо индустрии современного Узбекистана, но и являются основой, на которой зиждется все возрастающий рост нашей экономики.

Характерными чертами экономики являются ее дальнейшая либерализация и углубление экономических реформ, внимание к малому и среднему бизнесу, дальнейшее углубление процессов демократизации и все возрастающий приток в экономику инвестиций.

Кардинально преобразилось и сельское хозяйство, прошедшее нелегкий путь реформирования: от колхозов через ширкаты к фермерскому движению. Республика полностью и окончательно решила зерновую проблему. Достижение зерновой независимости Узбекистаном – это важнейшее завоевание нашего народа в годы независимости.

Второе важнейшее достижение сельчан – повсеместный переход к фермерскому ведению хозяйства. Сегодня 100 процентов выращенного урожая зерновых заготовлено исключительно фермерскими хозяйствами. В этом году они сдали в закрома Родины более 6 миллионов 250 тысяч тонн зерна. Средняя урожайность зерна по стране на поливных землях составила 48 центнеров с гектара. В том числе в Андижанской области – 60 центнеров, в Кашкадарьинской, Самаркандской и Ферганской областях – 50 центнеров. А многие передовые хозяйства получают урожаи в 70–80 и более центнеров с гектара.

В политической сфере. За годы независимости в стране впервые смысл демократии раскрылся в его истинном значении: власть народа. Это подтверждают работа двухпалатного парламента и проходившие в стране выборы в высшие и местные органы государственной власти, референдум, деятельность местного самоуправления, махалли, негосударственных организаций. Это подтверждает и тот неоспоримый факт, что важнейшим приоритетом государства является человек, его потребности, его заботы и проблемы.

Прошедшие шестнадцать лет еще и еще раз подтверждают, что Узбекистан уверенно идет курсом реформ, что понятия свободы, прав человека, демократии и социальной справедливости обеспечиваются Конституцией и практическими действиями соответствующих государственных органов.

Важная особенность нашего независимого развития и проводимых реформ в политической сфере состоит в том, что страна и общество динамично развиваются по восходящей линии. Каждая осуществленная цель, каждая удовлетворенная общественная потребность, являясь очередной ступенью в нашем развитии, в то же время выдвигает новые задачи, рождает новые потребности. Такова логика поступательного развития. Узбекистанцы убеждены – впереди новые захватывающие перспективы, новые свершения в экономике, во всех сферах жизни общества, а значит, и рост нашего благосостояния и уверенность в завтрашнем дне.

В духовной сфере. За годы независимости возрождены национальные и духовные ценности и традиции, поднят к жизни огромный пласт национальной культуры, имеющей общечеловеческое значение. В общественном сознании утвердились новые мышление, приоритеты и ориентиры. Укрепилась дружба между всеми нациями и народностями страны. Именно в годы независимости многонациональная семья узбекистанских народов получила статус единой и сплоченной. В стране царит гражданское, межнациональное и межконфессиональное согласие, мир и политическая стабильность.

За годы независимости **сформировалась новая духовно богатая личность, произошло духовное обновление всего нашего общества.** В сердце каждого гражданина нашли свое место ранее преданные забвению праздники Навруз, Рамазан и Курбан Хайит. Новыми красками засияли имена наших великих предков – Амира Темура, Имама аль-Бухари, Абу Насира Фароби, ат-Термизи, Баховуддина Накшбанди, Ахмада Яссави, Ахмада аль-Фаргони, Махмуда аз-Замахшари, Абдухолика Гиждувони, аль-Хорезми, Беруни, Бобура, Алишера Навои. И имена борцов национально-освободительного движения – Абдуллы Кадыри, Фитрата, Чулпана, Бехбуди, Усмана Насыра и других.

Для нас огромную роль играет более глубокое познание наших исторических корней, изучение того огромного исторического и интеллектуального наследия, которое оставили великие предки.

Эту мысль глава государства еще раз подчеркнул, обращаясь с приветствием к участникам Международной конференции «Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации».

Проводя работу по духовному возрождению народа, сохранению традиций, развитию культуры, науки и образования, мы исходим из того, что от духовности человека всецело зависит положение во всех сферах общественной жизни, зависит и успех проводимых реформ.

В социальной сфере. С первых дней независимости руководство республики ориентируется на уровень и качество жизни, присущие развитым государствам, на демократическое развитие, при котором гарантируются все права и свободы граждан, обеспечиваются мир и благополучие народа. Забота о благе народа всегда была в центре внимания Президента страны. Одним из важнейших приоритетов государства является **устойчивый, поступательный рост материального благосостояния народа, усиление социальной защиты населения.** При этом особое внимание уделяется малообеспеченным слоям населения – пенсионерам, инвалидам, многодетным и малообеспеченным семьям. Текущий 2007 год объявлен Годом социальной защиты. И только в первом полугодии этого года получили пособия 440 тысяч неработающих матерей, занятых уходом за ребенком, и 880 тысяч семей с детьми в возрасте до 18 лет. Оказана материальная помощь 44 тысячам малообеспеченных семей, и 22,5 тысячи малообеспеченных многодетных семей получили бесплатно крупный рогатый скот. Создано 314,8 тысячи новых рабочих мест, в том числе в сфере услуг и сервиса – более 75 тысяч, за счет надомного труда – более 40,2 тысячи мест. Молодым семьям для организации собственного бизнеса выделено кредитов на сумму более 10,6 млрд. сумов. С 1 августа текущего года повышены заработная плата, пенсии, стипендии и выплаты в среднем на 25 процентов.

В сфере внешнеполитической деятельности. Усилиями Президента Ислама Каримова Узбекистан за короткий исторический срок превратился в форпост Центральной Азии в борьбе против международного терроризма и религиозного экстремизма, в естественного лидера центральноазиатских государств. Неизмеримо возрос авторитет нашей страны на мировой арене. Сегодня к голосу Узбекистана внимательно прислушиваются все, кто заинтересован в мире и стабильности не только в регионе, но и на всей планете.

Узбекистан активно сотрудничает с ООН, ОБСЕ, является активным членом ШОС, СНГ, ЕврАзЭС, ОДКБ и последовательным и стойким борцом против терроризма и экстремизма. А провозглашение Ташкента столицей исламской культуры в 2007 году является ярким подтверждением все возрастающего авторитета Узбекистана не только в исламских государствах, но и мире в целом.

Шестнадцать лет независимости – это не просто период социально-экономических и политических преобразований. Это период кардинальных качественных изменений в облике страны и в облике народа, его мышлении, мировоззрении, в его менталитете.

«Сегодня мы – это великий народ, который живет, вдохнув полной грудью воздух независимости, который осознает свое достоинство, свою честь, ощущает себя наследником великих предков, возрождает национальную гордость и самосознание, занимает достойное место в мировом сообществе и уверенно шагает в XXI век». Не сегодня сказаны эти слова, но звучат они апофеозом 16-летию независимости, гимном свободного человека.

В области обороны и безопасности страны. Без преувеличения можно сказать, что за годы независимости Президентом, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами внесен огромный вклад в практическое решение проблем региональной и глобальной безопасности, обеспечение национальной безопасности страны и повышение боевой готовности Вооруженных Сил. А знаменитая книга «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» и сегодня является настольной книгой офицерского состава, и не только в нашей стране.

Как результат военной реформы, подчеркнем два взаимосвязанных фактора.

Первый. В результате военной реформы созданы принципиально новые Вооруженные Силы, которые отличают мобильность, высокая маневренность, надежность и способность в любой, самой сложной ситуации защитить мир и спокойствие страны. Они отвечают самым высоким требованиям времени, особенностям современной военно-политической обстановки, характеру и способам вооруженной борьбы с международным терроризмом и религиозным экстремизмом.

И второй. Неизмеримо возрос престиж военной службы. На это огромное влияние оказало усиление социальной защиты военнослужащих и их социальная обеспеченность, установление для них льгот, имеющих общественно-политическое значение, а также тот очевидный факт, что военная служба стала для военнослужащего не только школой возмужания и патриотизма, но и школой выбора жизненной профессии. Огромную роль сыграло и то, что сегодня наша армия оснащена новейшей боевой техникой, информационными и компьютерными технологиями, имеет выход в Интернет, что ей присущ высокий интеллектуальный уровень, и решает она такие ответственные задачи, которые не решает ни одна сфера человеческой деятельности.

Подводя итоги сказанному, мы видим, что независимость – это расцвет Родины, ее восхождение к новым высотам, к прогрессу и процветанию, что нам принадлежит прекрасная, неповторимая, священная земля. И беречь ее, оберегать от любых посягательств, от всяких бед и напастей – наш священный сыновний долг. Мы осознали и то, что безопасность страны – дело каждого из нас, но прежде всего дело военнослужащих Вооруженных Сил. И потому святым долгом каждого воина, какой бы он пост ни занимал, является забота о боевой готовности части и подразделения, о своей личной боеготовности, о высокой бдительности, организованности и уставном порядке. Сегодня для нас нет выше долга, как быть начеку, быть в постоянной боевой готовности.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони: «ИСТИҚЛОЛНИНГ ҲАР ОНИГА ШУКРОНА»



Дунёда байрамлар кўп, аммо Мустақиллик уларнинг шоҳи, ҳақиқий миллий ва моҳиятан биринчи ўринда турадиган тантаналари кунидир. Фарзандларимиз мамлакатимизнинг Истиқлолга эришган муқаддас кунини интиқлик, чексиз қувонч, кўтаринки кайфият билан кутиб олаётганидан юрагим ғурурга тўлади. Аслида бу кунларнинг қадри баланд, бу кунларга етишолмай кетган қанчадан-қанча ота-боболаримиз бор. Уларнинг ҳақига дуо айлаб, Истиқлолнинг ҳар битта тонгига, ҳар онига шукроналар келтириб яшасак арзийди.

Мен бугун наинки Қорақалпоғистон, балки бутун Ўзбекистон бўйлаб қурилаётган янгидан-янги иншоотлар, ўқув юртлари, турар-жой биноларини кўриб, рости, кўнглим ўсяпти. Неварам ўқийдиган коллежга бориб, бундай замонавий технологияларни кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Ахир, бундай имкониятларни яратиб берган давлатга қандай қилиб сидқидилдан хизмат қилмаслик мумкин. Бундай нурафшон ҳаёт, бундай кенг имкониятларнинг қадрига етиш керак. Мен ўғил-қизларимизга доим шуни уқтираман. Сиз вақтингизни ҳамиша фойдали юмушларга сарфланг, элингизнинг дарди билан яшанг. Унинг ғамини кўтаринг. У кейин сизни қўллайди, дуо қилади.

Тарихдан маълум, ўзбек халқи ҳам, қорақалпоқлар ҳам миллий ғурурини ҳар нарсадан устун қўйиб келган халқлардир. Қўшниси қийналиб турса, шунчаки қўл қовуштириб қараб турмаган. Кулса кулиб, йиғласа йиғлаган. Шундай экан, мен Мустақиллигимизнинг, ана шу дўстлик, биродарлик кўприкларининг янада мустаҳкам бўлишини тилаб қоламан. Ёшларимиз Ватан деса, ҳамиша оёққа қалқиб турсин. Мустақиллик ҳар бир хонадонга осойишталик, қут-барака олиб кирсин.

СТАТИСТИКА



Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби банк-молия тизимида ҳам кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасини сўнгги йилларда тизимда ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, банк капитали 1 триллион сўмдан ошгани ва у 2000 йилга нисбатан 7,4 марта ўсгани, банк муассасалари тармоғи икки баробардан зиёд кўпайгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Минибанклар тармоғи жадал равишда ривожланиб, уларнинг сони 1800 тага етгани ҳам ислоҳотлар мевасидир.

Қуйидаги жадвалда банкларимиз фаолияти билан боғлиқ айрим маълумотлар келтирилган. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича маълумотлар 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан ўсиш кўрсаткичи қиёслаб олинган.

Тижорат банкларнинг умумий капитали	Аҳоли банкларидаги депозитлар	Реал секторга кредит қўйилмаларнинг умумий миқдори
17,2 %	37,2 %	5,4 %

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

РЕГИСТОН – ЕТТИ МЎЪЖИЗАДАН БИРИ

Қадим ва кўҳна шаҳримизнинг дунё тамаддунида тутган ўрни беқиёс. Буни Самарқанднинг юбилейига бағишланган тадбирлар, тантаналар дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, ана шундайин тадбирлардан бири Германиянинг қадимий шаҳри бўлган Мюнстерда бўлиб ўтди. Мазкур шаҳар маъмурияти ва университети элчихонамиз ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар Шарқнинг гавҳари бўлган Самарқанд ҳақида янада кенгроқ маълумотларга эга бўлишди.

Дейлик, Мюнстер университети проректори, профессор Марианна Равенштайн инсоният тараққиётида кўҳна шаҳримизнинг тутган беқиёс ўрни борасида маъруза қилди. Шунингдек, немис тилида "Буюк ипак йўлидаги марварид" номли ҳужжатли фильмнинг намойиш қилиниши, Самарқанд ҳунармандларининг халқ амалий санъати намуналари асосида кўргазма ташкил этилгани кўпчиликда улкан таассурот қолдирди.

Яқинда оммавий ахборот воситаларида ажойиб бир хабарни ўқиб қолдим. Унга кўра "Lonely Planet", яъни "Ёлғиз сайёра" номли дунёга машҳур компания жаҳоннинг етти мўъжизаси борасида янги рўйхатни эълон қилган. Қувонарлиси шундаки, улар қаторида фахримиз, ифтихоримизга айланган Регистон майдони ҳам бор. Қолган олти мўъжиза ҳақида ҳам қизиқаётгандирсиз? Улар – дунёдаги энг узун темирйўли ҳисобланувчи Транссибирь магистрали, Ла-Манш остидаги туннел, Малайзиядаги Петронас минораси, Афғонистондаги Жом минораси, Франциядаги Мило кўприги ва Манхэттен кўриниши. Ҳа, бундайин халқаро эътироф кишига чексиз фахр, ғурур бағишлайди.

Юбилей арафасида Самарқанд янада чирой очган. Бунга кенг кўламда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари сабаб. Масалан, Кўксарой майдони тўла таъмирланди. Амир Темур ва Руҳобод кўчалари кенгайтирилди. Мирзо Улуғбек кўчасида санъат саройи ва санъат коллежи қад ростлади. "Дамариқ" номли деҳқон бозори ишга туширилди. Донғи кетган "Сиёб" бозорида уч қаватли савдо мажмуаси қурилди.

Яхши биламиз, кўҳна шаҳримиздаги архитектура ёдгорликлари ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Мутахассислар ёши, қадимийлиги, инсоният тараққиётида, кўҳна тамаддунда тутган ўрни жиҳатидан Самарқандни Рим билан тенглаштиришмоқда. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг ёрқин тимсолидир.

Шерзод ТОЛМАСОВ.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Жанговар ютуқлар – Мустақиллик айёмига

МАҲОРАТДА ҚОЛИШМАГАЙ ПОСБОНЛАРИМИЗ

Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида "Биз бугун ғоят мураккаб ва нотинч замонда яшамоқдамиз. Марказий Осиё минтақасида ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи бизда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Буларнинг барчаси шу муқаддас заминда яшаётган, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этади", дея таъкидлар экан, посбонларимиз олдига бу борада устувор вазифаларни қўяди.



Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, энг улуғ, энг азиз байрам – истиқлолнинг 16 йиллик тўйи арафасида Ватан ҳимоячилари хизмат бурчларини янада огоҳлик, янада сергаклик билан ўташиб, устувор вазифаларни бажариш йўлидан оғишмай боришаётганини, юртимиз, халқимиз тақдирига, истиқлолга, истиқболга бефарқ эмасликларини, бу борадаги ҳар қандайин хавф-хатарга кўксини қалқон қилишга шай эканликларини исботлашмоқда.

Буни посбонларимизнинг тоғ-чўл шароитида ўтказишаётган жанговар ўқув машқи мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов мазкур машқ жараёнини кузатар экан, профессионаллиқда, ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан қолишмайдиган марду майдонларимиздан бир гуруҳини подполковник А.Ҳамроев, майорлар – Д.Пак, А.Холиқов, капитанлар Б.Аҳмедов, Б.Шодиев, Ё.Тошев, катта лейтенантлар – В.Аҳмедов, А.Пўлатов, кичик сержантлар – Р.Жулбеков, И.Эшниёзов, К.Умиров, Н.Самандаров, И.Раҳимов, Х.Холмирзаев, Ю.Иванов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Б.Жўраевларни "Эсдалик нишон"и билан тақдирлади.

Тилга олинаётган машқнинг муваффақиятида штаб бошқармасидаги офицер майор Д.Пакнинг хизматлари беқиёс бўлди. Офицер оператив-тактик ҳисоблашларни аниқ, ишончли амалга ошириб, қўмондонлик томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган қарор қабул қилинишини таъминлади. Бу билан касбий маҳорати юксак, асл профессионал эканлигини намоён қилди.

Взвод командири катта лейтенант М.Ахмедовнинг етакчилик, бошқарув қобилияти юксак эканлиги, ҳар қандай вазиятда оқилона қарор қабул қила олиши шахсий таркибнинг жанговар ютуқларини таъмин этди.

Дала шароитида шахсий таркибнинг соғлиғига эътибор қаратиб, шартли душман билан тўқнашувда яраланганларга зудлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, умуман, соҳасига оид илмларни пухта ўзлаштириб, намуна бўлган фельдшер кичик сержант Х.Холмирзаевнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Моддий-техник таъминот бўйича масъул кичик сержант Ю.Иванов дала шароитида посбонларимиз учун зарур шарт-шароитларни яратиб, машқлар муваффақияти йўлида замин яратди. Хуллас, ютуқларда ҳар бир посбоннинг ўзига хос ҳиссаси бор.

– Юксак жанговар шайлигимиз, касбий маҳоратимиз жамоамизнинг истиқлол тўйига муносиб бир совғасидир. Мен истиқлол сабаб ҳарбийлик касбига қизиқдим. Юксак ақл-заковатга, интеллектуал салоҳиятга, мустаҳкам иродага, соҳам бўйича пухта билимларга эга бўлишим, миллий армиямизга муносиб посбон бўлиш учун сержантлар тайёрлаш мактабида ўқишни ният қиляпман, – дейди оддий аскар Б.Жўраев.

Шунингдек, машқ давомида катта лейтенант Р.Ҳасанов, лейтенант А.Юлдашев, кичик сержантлар – М.Суюнов, Н.Қудратов, А.Қорабоев, Т.Исломов кабилар ҳам юксак жанговар тайёргарликларга эга эканликларини исботлашди.





Машқни кузатар экансиз, она юрт посбонларининг кундан-кунга жанговар маҳоратлари, кўникмалари ортиб бораётганини, ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч санайдиган ўғлонлар шаклланаётганлигини ҳис қилиб, қалблар ғурурга, фахрга тўлади.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.
Суратда: «Эсдалик нишон» соҳиблари ва жанговар-ўқув машқи аълочилари

НЕИЗГЛАДИМОЕ ВПЕЧАТЛЕНИЕ

В эти дни в высших военно-образовательных учреждениях Министерства обороны проходят показы вооружения и боевой техники для курсантов первых курсов.

В Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище (СВВАКИУ) показ вооружения и боевой техники произвел на первокурсников неизгладимое впечатление. Командование СВВАКИУ провело большую подготовительную работу, чтобы будущие офицеры увидели боевые возможности вооружения и техники, находящихся на вооружении национальной армии Узбекистана.

А для курсантов четвертого курса данный показ стал прекрасной возможностью еще раз проверить в деле свои способности в методическом мастерстве.

– Глубоко символично, что показ нам вооружения и техники проводился в училище в преддверии самого дорогого для всех нас праздника – Дня независимости, – говорит курсант первого курса Адхам Курбанов. – Мы, дети свободной страны, готовящейся отмечать свое 16-летие, полностью осознаем, что эта свобода и суверенитет должны быть надежно защищены. И со своей стороны приложим к этому все силы, будем добросовестно изучать военное дело, чтобы стать настоящими профессионалами.

– При виде грозного боевого оружия и самой современной военной техники, находящихся в расположении нашей армии, еще глубже понимаешь, какое огромное значение уделяется в нашей стране вопросам укрепления обороны, – добавляет к словам товарища курсант первого курса Азамат Бекмурадов. – И теперь наш долг – за годы учебы в СВВАКИУ полностью овладеть секретами мастерства их боевого применения и обслуживания, научиться бережно, по-хозяйски, относиться ко всему, что приобретено на народные деньги.

Отрадно, что первокурсники прониклись пониманием важности проведенного мероприятия. А значит, цели показа достигнуты.

Майор Исроил КАДЫРОВ,
старший офицер отдела воспитательной работы СВВАКИУ.
(Передано по телефону).

Курсом реформ

ОБОГАТИЛИСЬ НОВЫМИ ЗНАНИЯМИ

Недавно на факультете повышения квалификации офицерского состава Ташкентского высшего общевойскового командного училища (ТВОКУ) состоялся очередной выпуск слушателей, обогатившихся новыми знаниями.



В торжественной обстановке выпускникам факультета повышения квалификации были вручены сертификаты и нагрудные знаки. С добрыми напутствиями в их адрес выступили офицеры Тогаймурод Шарифов и Икбол Махмудов, пожелавшие офицерам успешно применять в ходе дальнейшей службы приобретенные за время обучения знания и навыки.

С ответным словом от имени слушателей ФПК выступили капитан Шокир Турсунбаев и старший лейтенант Улугбек Кобилов, выразившие признательность командно-преподавательскому составу факультета за заботу о росте профессионального мастерства слушателей, содержательные и интересные занятия, которые помогли повысить уровень подготовки прибывших офицеров.

– Мне вдвойне приятно, что мы завершили обучение на факультете накануне самой дорогой для всех жителей Узбекистана даты – шестнадцатой годовщины независимости нашей Родины, – говорит капитан Одилбой Усанов. – В ходе реформы Вооруженных Сил и в системе воспитательной работы происходят большие перемены, вносятся существенные изменения в руководящие документы, поэтому обучение на факультете повышения квалификации стало важным этапом моего профессионального роста.

– В связи с переходом армии на профессиональный принцип комплектования возрастает значение подготовки сержантского состава, – подключается к беседе капитан Бекзод Рахимов. – Воспитание военных профессионалов настоящими патриотами своей Родины, оснащение школ подготовки сержантов военных округов самым современным оборудованием и учебными пособиями является одним из приоритетных направлений. Поэтому я искренне рад прекрасной возможности пройти курс повышения квалификации на данном факультете, хочу с максимальной эффективностью использовать полученные здесь знания в ходе дальнейшей служебной деятельности.

– Вот и для нас, представителей органов военного управления на местах, учеба на данном факультете становится реальной возможностью существенно повысить уровень своей готовности, – говорит капитан Рахимбой Худойберганов. – В процессе учебы, обмена мнениями с коллегами из отделов и управлений по делам обороны узнал много нового и полезного для себя.

Созданная в ходе реформы Вооруженных Сил стройная система постоянного повышения профессионального уровня военнослужащих позволяет в период прохождения службы отслеживать самых достойных, инициативных и передовых офицеров, обучать их на ФПК, а в последующем направлять на учебу в Академию Вооруженных Сил.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото **подполковника Валерия КОРНИЕНКО.**

Истиқлол айёми олдидан

ЯНГИ ЧЕГАРА ПОСТИ ТОПШИРИЛДИ

Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ватан ҳимоячилари учун қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида янги чегара пости фойдаланишга топширилгани эзгу ишнинг узвий давомидир...

Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган янги чегара постида чегарачиларнинг хизматни ўташлари учун барча қулайликлар яратиб берилган. Машғулот хоналари кўргазмали қуроллар, керакли техник воситалар ва компьютер жиҳозлари билан таъминланган.

– Мен Сурхондарё вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилганман, – дейди оддий аскар Хуршид Жумаев. – Янги чегара постимиз спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Бўш вақтларимизда спорт билан шуғулланамиз. Тарбиявий ишлар хонасида бадиий китоблар кўп. Замонавий адибларимизнинг асарларини ўқиб, фикр алмашиб турамиз.

– Изланган имкон топади, – деб суҳбатга қўшилди кичик сержант Алишер Қодиров. – Аскарлар ҳарбий хизмат мобайнида билимини бойитиб боришлари учун ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан етарли адабиётлар билан таъминланган. Муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, кейинчалик ўқиш истагида бўлган аскарлар Ахборотномалардан кенг фойдаланишади. Дарвоқе, янги чегара постимизда яратилган шароитлардан кичик командирлар ҳам мамнун. Бизга ана шундай шароитлар яратиб берган Президентимизга, Чегара қўшинлари қўмондонлигига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Капитан Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ,
МХХ чегара қўшинлари матбуот маркази ходими.

ФАОЛ ВА ФИДОЙИ СЕРЖАНТЛАР

Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда қатор муваффақиятларга эришаётган илғор танкчилар гуруҳи командири лейтенант Серик Бердишев шахсий таркибни ёзги ўқув мавсумини юқори кўрсаткичлар билан якунлашга сафарбар этмоқда. Ғайратли ёш офицер айниқса, ўтказилаётган дала-ўқув машқларида олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлаш, ҳарбий соҳа сир-синоатларини мукаммал эгаллашлари учун илмга чанқоқ шогирдларини қўйилаётган вазифаларни сидқидилдан, юксак масъулият ҳисси билан бажаришга ундамоқда.

Танкчилар гуруҳи ҳарбий хизматчилари қоровуллик хизматини ўташда ҳам қисм шахсий таркибига ўрнак бўлмоқда. Даставвал улар қоровуллик хизматини ўташга пухта ҳозирлик кўрадилар. Умумҳарбий низомларнинг тегишли бандларини ҳар гал синчковлик билан ўрганадилар. Постда амалга ошириладиган тегишли саъй-ҳаракатларни мукаммал эгаллаш, жанговар қурол билан тўғри муомала қилиш, кўрсатмаларни аниқ бажариш ва энг муҳими, ҳушёр туриш бўйича кўникма ҳосил қиладилар. Ҳарбий либосларию қуролларини вазифани бажаришга тахт ҳолга келтирадилар.

– Биз қоровуллик хизматини бажариш учун астойдил тайёргарлик кўришга одатланганмиз, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳром Исмоилов. – Ахир сафдош дўстларим қоровуллик хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш билан баробар эканлигини яхши биладилар.

Танк командири кичик сержант Обид Турдиев, катта механик ҳайдовчи кичик сержант Давлетбай Аметовларнинг номларини ҳурмат ила тилга олсак арзийди. Улар ҳар жабҳада фаол ва фидойи сержантлар сифатида қисм қўмондонлиги эътиборига сазовор бўлишган. Аъло хизматлари учун Баҳодир Рўзметов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони, Обид Турдиев ва Давлетбай Аметовлар эса "Ҳарбий спортчи" кўкрак нишони, фахрий ёрлиқлар ва рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорларидир.

Қоровулхонада шахсий таркибнинг муносиб хизмат қилиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Посбонлар замонавий алоқа воситалари билан таъминланган. Хизматдан бўш вақтларида улар китоб-журналлар ёки марказий газеталарнинг янги сонларини мутолаа қиладилар.

Дарҳақиқат, лейтенант Серик Бердишев қўл остидаги она юртимиз ҳимоячилари бепоён мамлакатимизнинг ҳар бир қарич тупроғини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, халқимиз тинчгина осуда турмушини ишончли таъминлаш бўйича ўз олдиларида турган барча ўқув-жанговар вазифаларни ёруғ юз билан адо этмоқдалар. Зеро, бурчига содиқ посбонлар тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик тўйига хизматда қўлга киритган улкан ютуқларини туҳфа этишга аҳд қилганлар.

Майор Шуҳратбек Ҳошимов,
"Ватанпарвар" мухбири.

ТАРИХНИНГ ЁРҚИН БИР САҲИФАСИ

1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги тарихий қонуннинг 6- моддасига кўра, давлатимиз халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлди. Мамлакат Қуролли Кучларининг ташкил этилиши билан боғлиқ жараёнлар мустақил Ўзбекистоннинг шонли тарихида унутилмас ёрқин саҳифалардан биридир.

Мустақиллигимиз самода ҳам мустаҳкам қалқонларига эга. Бунда истиқлол меваси бўлган, юртнинг фахру ифтихори айнан учувчи посбонлар тайёрлаб берадиган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг улкан ҳиссаси бор.

Ўтган давр мобайнида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Қуролли Кучларимизга ҳар томонлама етук кўплаб офицер кадрлар етказиб берди. Таълим масканида ўз касбининг фидойиси бўлган, чуқур билим ва малака эгалари бўлмиш профессор ўқитувчилар жамоаси ҳам шаклланди. Билим юртини тамомлаган кўплаб маҳоратли учувчи офицерлар Ғайрат Ўсаров, Рустамали Ғуломов, Икром Қўлдошев, Қуролли Кучлар хизматчиси Анатолий Ким каби мураббий-устозларнинг шогирди эканликларидан ифтихор қилишади.

Билим юртида курсантларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида турли тўгараклар фаолият юритади. Ана шундай тўгараклардан бири "Авиамоделлар"дир. Тўгарак аъзолари республика миқёсида ўтказиб келинаётган қатор мусобақаларда фаол иштирок этиб келадилар. Илмий ва бадиий адабиётларга бой кутубхона ҳам ҳамиша курсантлар ва мураббийлар билан гавжум. Бу ерда Қуролли Кучларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгариш ва янгиликлар, билим юрти ҳаёти ҳақида кўргазмали лавҳалар тайёрланади ва намойиш этилади. Бундан ташқари кутубхона мудираси Насиба Ҳайдарова ташаббуси билан турли адабий кечалар, учрашувлар ўтказиб турилади.

Яқиндан бошлаб эса билим юртида унинг ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Учин" газетаси чиқа бошлади. Газетанинг илк сони ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Билим юрти ҳақида гапирганда унинг музейи ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Музей истиқлол меваси бўлган билим юрти, унинг тарихи, бугуни, собиқ курсантлари, қаҳрамонлари ҳақида бу ерга ташриф буюрувчиларга саналар, шахсий ҳужжатлар, полотно ва бошқа кўргазма ашёлари орқали ҳикоя қилади.

Ҳар қандай таҳсил амалиёт билан уйғунликда олиб борилса, кутилган натижани беради. Билим юрти мураббий ўқитувчилари буни теран англаган ҳолда курсантлар малакасини янада ошириш мақсадида тренажёр вертолёт макетини йигдилар.

Мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ҳарбий ўқув даргоҳларидан бири бўлган мазкур билим юртига кириб ўқиш, ҳар бир ўзбек йигитининг орзусидир, десак муболаға бўлмайди. Бу ерда таҳсил олиш истагида бўлган мамлакатимиз ёшлари сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Қуйида билим юрти курсанти бўлиш бахтига мушарраф бўлган йигитларимизнинг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтмоқчимиз.

Курсант Шоҳруз Казаков:

– Мен учун курсант бўлиш юксак орзуларим йўлидаги дастлабки муҳим қадамдир. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олишим нафақат мен ва оиламиз, балки ўқиган мактабим, маҳалламиздагилар учун ҳам қувончли воқеа бўлди. Ҳамиша юртим ишончини шараф билан оқлаётган халқимиз асл фарзандларининг олдинги сафларида бўлишга ҳаракат қиламан.

Курсант Азим Тошматов:

– Мен учун курсантлигим қўшалоқ байрамдир. Улуғ байрам арафасида мустақилликнинг ишончли ҳимоячилари сафига қабул қилинганлигимдан фахрланаман. Биламан, бу ерда таҳсил олиш кўплаб тенгдошларимнинг ҳам орзуси эди. Чунки билим, тинимсиз изланиш, юксак мақсад ҳамиша ғалабага етаклайди. Мен халқимизнинг заҳматкаш меҳнатини қадрлаб, ишончини эса шараф билан оқлайман. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти профессор-ўқитувчилари, курсантлари бундан буён ҳам самодаги мустаҳкам қалқонларимиз метин сафларини тўлдириб боришларига тилакдошмиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Истиқлол – тақдиримда

АСКАР ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН



– Онажон, суюнчи беринг, мен аскар бўламан, – деб югуриб келиб, бўйинимга осилган ўғлимнинг сўзларини эшитиб, ростини айтсам, анча вақт ўзимга келолмадим.

– Нима дединг, қани бошидан қайтар-чи?

– Туман мудофаа ишлари бўлимида бўлиб ўтган саралаш босқичидан юқори балл олдим. Барча синовларни аъло баҳоларга топширдим. Келаётган ойнинг биринчи ҳафтасида муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун армияга кетаман. Сиз бундан хурсандмисиз, онажон?

– Албатта, ўғлим, паҳлавоним. Қара, бирпасда сен ҳам катта йигит бўлиб қолибсан. Эл-юрт корига камарбаста бўлиб, халқ дуосини олаётганингдан жуда-жуда хурсандман.

– Мени спортчи бўлганим учун биринчилар қатори хизматга йўллашяпти. Мана кўрасиз, армияда ҳақиқий эр йигит бўлиб, намунали хизмат қилиб, сизларнинг юзингизни ёруғ қилиб қайтаман.

Ўғлим армияга кетган илк кунлари анча бошқача бўлиб юрдим. Кўп вақт ўтмай унинг Ҳарбий қасамёд қабул қилаётганини эшитиб, хизмат жойига қараб йўл олдим. Фарзандим туфайли юртимизнинг сўлим бир гўшасини ҳам кўриш насиб этди. Ҳавонинг тозалиги, манзаранинг гўзаллиги дилимни янада ёритди. Ҳарбий қисмда биздан ташқари яна кўпчилик аскар йигитларнинг ота-оналари, яқинлари келишган экан. Офицер Шавкат Мирзаалиев бизни биринчи навбатда қисм ҳудуди билан таништирди. Фарзандимнинг ҳарбий либоси ўзига шундай ҳам ярашибдики, шахдам қадамларидан гўёки ўт чақнагандай. Қуролини кўксига маҳкам тутиб, одимламоқда.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, ростини айтсам, лол қолдим. Кўркам ва шинам ётоқхоналар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, ювиниш хоналари, ҳаттоки, кир ювиш хонасида замонавий кир ювиш машиналари ишлаб турибди. Юмшоқ мебеллар, дам олиш хонасидаги қулайликлар мени ва бошқа аскар оналарининг ҳам кўнгилларини шод этди. Аскарлар ошхонасида тайёрланаётган овқатлар уйимизда пиширилаётган таомлардан қолишмайди. Кўкатлар, салқин ичимликлар аскар дастурхонини безаб турибди.

Хаёлга чўмаман. Буларнинг барчабарчаси мустақиллик, ҳурлик туфайли эмасми? Ўзимга-ўзим савол бераман. Ҳа, истиқлол бизларга ўзлигимизни танитди, миллийлигимизни қайтарди, қадим тарихимизни ёдга солди. Шу ҳурлик сабаб, фарзандларимиз дунё илмларини эгаллаб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларга берилаётган имкониятларнинг чек-чегараси йўқ. Мана, армияда олиб борилаётган ислоҳотлар мевасини ўз кўзим билан кўрдим. Кўнглим тоғдай кўтарилди, дилим қувонди, қалбимда фахр туйғуси жўш урди. Ўғлим спортнинг таэквондо тури билан шуғулланар эди. Ҳарбий қисмда бўлганимизда, гуруҳ командирининг, "Ие, опа сиз оддий аскар Самад Ҳасановнинг онасимисиз", деб чуқур ҳурмат билан мен билан кўришгани ёдимда. "Ўғлингиз жуда зўр йигит, билими ҳам юқори, айниқса, спорт машғулотларида менинг энг яқин ёрдамчим. Шундай йигитни ўстирганингиз учун сизга мингдан-минг раҳмат".

Хайрлашув олдидан ўғлим келажакда ҳарбийликдек шарафли касб эгаси бўлишга қарор қилганини, хизматдан сўнг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширишни ўз олдига энг олий мақсад қилиб қўйганини айтди. Ўз мустақил фикрига эга бўлиб улгурган ўғлимга фақатгина омад тилаб қолдим. Ўғлимни офицерлик либосида тасаввур қилиб кўрдим. Бу менга янада ғурур, ифтихор бағишлади.

Баҳринисо ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳри.

Хотин-қизлар қўмиталарида

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик тарбиясини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент ҳарбий округ тарбиявий ишлар бошқармаси ҳамда хотин-қизлар қўмитасининг ҳарбий оилаларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиги ва яшаш шароитларини янада яхшилаш борасидаги ишлари диққатга сазовордир.



Биз ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи, хотин-қизлар кенгаши раиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Малика Қодирова билан амалга оширилган эзгу ишлар ва келгусидаги режалари ҳақида суҳбатлашдик.

– "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан 2006 йил давомида ҳарбий қисмда, ҳарбий шаҳарчаларда Тошкент вилояти ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Нуроний" ва "Маҳалла", вилоят "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, барча тоифадаги аёллар ўртасида тиббий маданиятни янада ошириш мақсадида "Соғлом турмуш тарзи" шиори остида семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказдик. Барча тадбирларимиз кўргазмали қуроллар, видеолавҳалар орқали ҳам назарий, ҳам амалий равишда олиб борилди. Жумладан, яқинда "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси кўмагида 50 га яқин аёлларимизни, 15 нафар ёш болани профилактик текширувдан ўтказдик. Бир нечта аёлларимизда аниқланган камқонлик, болалардаги бўқоқ касаллигини даволаш мақсадида уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди ва бепул дори-дармон тарқатилди. Бугунга келиб, ушбу касаллик билан хасталанганларнинг кўпчилиги соғайиб кетган.

– Ҳарбий шаҳарчада ва у ерда яшаётган ҳарбий оилалар билан қандай ишларни амалга оширмоқдасизлар?

– Ҳарбий шаҳарчаларда яшайдиган ҳарбий хизматчилар оилаларининг кўпчилигини ёш қиз-жувонлар ташкил қилади. Улар мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келишган бўлиб, қайнона ва оналаридан узоқда, ҳали ҳарбий турмуш тарзига унча мослашмаганликларини инобатга олган ҳолда улар орасида яхши қўшничилик, оила одоби, болалар тарбияси, муомала маданияти, эр-хотин муносабати каби мавзуларда ҳар хил семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб бораяпмиз ва уларга керакли йўриқларни бераяпмиз. Шаҳар "Нуроний" жам-ғармаси билан ҳамкорликда ҳар икки ҳафтада "Ҳарбий этика ва эстетика" бўйича ўқув машғулотлари ташкиллаштирганмиз. Унда офицерлар, сержантлар, аскарлар, ҳарбий шаҳарчада яшаётган оилалар ва уларнинг фарзандлари иштирок этади. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари қатнайдиган боғча, мактаблар билан ҳам алоқани мустаҳкамлаб, доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. У ерларда ҳар хил тўгараклар ташкил қилганмиз. Бу ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Ҳарбий шаҳарчанинг ўзида ҳам бир қатор тўгараклар ишлаб турибди. Компьютер ва спорт хоналари ташкил қилганмиз.

– Ҳарбий қисмда давлат ва жамоат ташкилотлари билан қандай алоқалар йўлга қўйилган, улар билан қанақа тадбирлар ўтказилмоқда?

– Давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини, ёш аскарларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари олиб бораяпмиз. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан "Мардлар қўриқлайди Ватанни" шиори остида учрашув ўтказдик. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда "Заковат" интеллектуал танловини ташкиллаштирдик. Унда ҳарбий қисм шахсий таркиби иштирок этиб, тарихий, ҳуқуқий ва ҳарбий соҳа, маънавий-маърифий мавзулар бўйича билим ва иқтидорларини намоён қилишди. Шунингдек, яқинда округ миқёсида ўтказилган "Энг яхши китобхон" кўрик-танловида ҳам ҳарбийларимиз фаол иштирок этишди. Танловда учинчи ўринни оддий аскар Нодир Қобилов қўлга киритди.

"Ватанпарвар" мухбири
Аҳрор ОЧИЛОВ суҳбатлашди.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Оила педагогикаси

ХОНАДОНДА ТУҒИЛСА ГЎДАК...

Мазкур янги рукндан ота-она ва фарзанд ўртасидаги, умуман, оиладаги ўзаро муносабатларнинг маънавий-руҳий, ахлоқий мезонларини таҳлил қилишни, пировардида баркамол авлодни тарбиялашдек устувор мақсадимизнинг самарадорлигини таъминлашни кўзладик. Ишонамизки, бу борада бериладиган мақолаларга ўз муносабатингизни билдирасиз.

Бугун эрталаб ишга кетатуриб, бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Ўрта ёшлардаги аёл тўрт ёки беш ёшлардаги қизчасининг қўлидан етаклаганча унга нималарнидир тушунтиришга ҳаракат қилар, қизча эса ҳа деганда ойисининг гапига киравермас ва нимани-дир сўраб, онасининг қўлидан чиқиб кетишга уринарди. Онанинг асаблари дош беролмади шекилли, боласини (бошқа йўловчиларга эътибор ҳам бермасдан) баланд товушда "чиройли" сўзлар билан уришиб берди. Бу ҳам етмаганидай, унга шапалоқ ҳам тортиб юборди... Албатта, бундай "тарбия усули" ҳаммамиз учун ҳам янгилик эмас ва афсуски, бунақанги манзарага аҳён-аҳёнда бўлса-да, дуч келиб турамиз.

Бугундан бошлаб янги ташкил этилган "Оила педагогикаси" рукнида оила ҳаётининг муҳим томонларидан бири – катталарнинг болалар билан бўладиган мулоқоти, шунингдек, оила шароитида унинг кичик аъзолари феълатворига фаол таъсир этиш имконини берувчи тарбия усулларига бағишланган фикр-мулоҳазаларимизни бериб борамиз. Чунки оиланинг бой ички оламга эга бўлган кичик аъзолари ҳам бошқалар томонидан тушунилишдек жуда катта маънавий ҳуқуққа эгадирлар. Амалда бундай муносабатни йўлга қўйиш учун болалардаги яширин ички руҳий ҳолатни англашга, уларнинг сўзлари ва хатти-ҳаракатларидаги яширин сабабларни кўра олишга ўрганишимиз, улар билан бўладиган мулоқот "техникаси"ни эгаллашимиз зарур.

Болалар билан бўладиган мулоқотни фақат унгагина тегишли бўлган қонунлар асосига қурилган санъат, де-йиш мумкин. Биз катталар, баъзан болаларимиз нутқида "соддалик" ва "анойилик" аломатларини кўргандай бўламиз. Аслида ҳам шундаймикин!?

Беш ёшли Хондамир отасидан "шаҳримизда етим болалар қанча?" деб сўрайди. Ота эса (у ўқимишли, зиёли инсон) ўғлининг ҳали кичкина бўлса-да, ижтимоий масалаларга қизиқишидан мамнун бўлади ва фарзандига муаммонинг моҳияти ҳақида (албатта, ўзи биладиган даражада) узундан-узоқ мулоҳазалар билдиради. Сўнгра маълумотномага кўз югуртириб ёки тегишли жойларга сим қоқиб, аниқ рақамларни айтади. Бироқ бу жавоблар қанчалар тўлиқ бўлмасин, кичик қаҳрамонимизни қониқтирмайди ва у савол беришда давом этади.

Ўғлининг кутилмаганда берган саволларидан бироз ўзини йўқотиб қўйган ота, ниҳоят, ўғлини муаммонинг ижтимоий кўлами эмас, балки унинг "шахсий" жиҳатлари қизиқтираётганлигини, фақат қизиқтирибгина қолмасдан, ҳатто, безовта қилаётганлигини фаҳмлаб қолади. Беш ёшли Хондамирнинг саволларида етим болаларга нисбатан ачиниш туйғусидан ҳам кўра, ўзининг шундай аҳволга тушиб қолишидан қўрқиш ҳисси кўпроқ эди, ахир. Унга етим болалар сонини ифодалайдиган қандайдир рақамлар эмас, балки ўзининг ҳеч қачон ёлғизланиб қолмаслигини кафолатлайдиган сўзлар ва шу сўзлар замирида ётган илиқ эмоционал муносабат зарур эди.

Ойиси билан биринчи марта болалар боғчасига келган беш яшар Маҳфуза боғча тарбияланувчилари томонидан чизилиб, деворга осиб қўйилган суратларга боқар экан, ойисидан сўради:

– Бу ёмон суратларни ким чизган?

Бундан бирозгина хижолат бўлган она қизчасига норози алфозда қараб, жавоб берган бўлади:

– Бу суратларни ёмон дейиш одобдан эмас, ахир улар жуда ҳам чиройли қилиб чизилган-ку!?

Уларни кузатиб турган ва саволнинг асл моҳиятини дарров англаб етган тарбиячи аёл хиёл жилмайганича гапга аралашади:

– Қизим, бизда фақат чиройли суратлар чизиш шарт эмас. Агар истасанг, ёмон суратлар ҳам чизсанг бўлаверади...

Кучли ҳаяжон ичида бўлган Маҳфуза тарбиячининг изоҳидан сўнг ўзини анча босиб олиб, хотиржам бўлди. Чунки у айнан боғча опасининг сўзлари орқали ўзининг ички саволига жавоб олди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, агар борди-ю, сурат чизишни яхши эплай олмаса, ҳеч қачон жазоланмаслигига ишонч ҳосил қилди.

Шундан сўнг Маҳфуза полда ётган синиқ автомобилни қўлига оларкан, "буни ким синдирди?" деб сўради.

– Нега буни сўраяпсан? – дейди бунга жавобан онаси. – Ахир, сен бу ерда ҳеч кимни танимайсан-ку!?

Аслида эса қизчани болаларнинг исмлари қизиқтираётгани йўқ эди. У фақатгина, агар ўйинчоқларни синдириб қўйса, жазо олиши ёки олмаслигини билмоқчи эди, холос. Маҳфузадаги истакни тўғри англаган тарбиячининг жавоби шундай бўлди:

– Ўйинчоқлар болалар ўйнашлари учун чиқарилган. Ўйин пайтида улар синиб ҳам туради. Бу оддий ҳол...

Қизча бу жавобдан кейин ўзида қониқиш ҳиссини сезди. Саволларни тўғри бериш, унга ўзи учун зарур бўлган маълумотларни олиш имконини берди: "Тарбиячи опа яхши экан. У киши, агар мен суратни ёмон чизсам ёки ўйинчоқларни бузиб қўйсам ҳам уришмайдилар. Ҳеч нарсадан қўрқмасдан, бу ерда қолишим мумкин". Маҳфуза қўлчалари билан ойижонисига "хайр" ишорасини қилганича боғча опасига эргашади.

Ўн икки яшар Юлдуз жуда ҳам хафа (у кўз ёшларини тиёлмаяпти). Унинг бошқа вилоятдан келган тенгдош қариндоши – Шоира уйига қайтаяпти. Улар ёзги таътилни Юлдузларникида бирга ўтказишганди.

– Шоира кетаяпти, мен яна ёлғиз қоламан, – дейди йиғлаганча Юлдуз. Онасининг жавоби эса тахминан шундай бўлади: "Сен тезда ўзингга бошқа дугона топиб оласан ва бу нарсаларни унутасан".

Юлдуз онасига бирор сония норози қиёфада тикилиб турди-да, кейин ўз хонасига чопиб кириб кетди. Унинг кетидан эшикнинг қаттиқ ёпилгани эшитилди.

Ҳар ҳолда воқеанинг бундай якун топиши ачинарли, албатта. Биз катталарга болаларимизнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик қовушиқсиз бўлиб туюлмасин, уларнинг ҳис-туйғуларига жиддий муносабатда бўлишимиз зарурлиги кундай равшан. Эҳтимол, она назарида бу ҳушёр назар ташлаши мақсадга мувофиқ. У ўз-ўзига "Қизим азобланаяпти, бу вазиятдан чиқишида мен унга албатта ёрдам бераман", деб айтиши, Юлдузга эса тахминан шундай дейиш мумкин: "Албатта, Шоирасиз зерикасан. Айрилиқ анча қийин бўлади. Ахир, сен унга ўрганиб қолган эдинг-да! Ҳатто, уйимиз ҳам усиз ҳувиллаб қолгандай бўлди".

Бундай муносабат болалар ва катталарни бир-бирига яқинлаштиради. Боланинг катталар томонидан тушунилишининг ўзиёқ улардаги салбий кечинмаларга барҳам беришда катта аҳамиятга эга. Ўз навбатида болаларнинг ота-оналарига бўлган меҳр-муҳаббатлари ортади. Катталардаги самимий ҳамдардлик туйғулари болалардаги руҳий жароҳатлар учун энг яхши малҳам эканлигини унутманг!

Подполковник
Чори НАСРИДДИНОВ.

БАЙРАМОНА ТУҲФА!



Чегара қўшинларида "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг бир қанчасига янги квартираларнинг калитлари тантанали тарзда топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, Ватан ҳимоячилари учун яратиб берилаётган шароитлар профессионал армияни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигини эътироф этдилар.

– Оиламизга янги квартира калитининг топширилиши мени жуда ҳам руҳлантириб юборди, – дейди сержант Х.Эшев. – Айниқса, фарзандларим янги уйга кўчиб келаётганлигимиздан жуда ҳам хурсанд. Президентимиз, ҳукуматимизнинг биз чегарачиларга бўлган бундай эътиборини бурчимизни шараф билан ўтаб, оқлаймиз.

Подполковник Арслон САЙДАЛИМОВ.
Шароф МАВЛОНОВ суратга олган.



ПОМИДОРЛИ САВАТЧАЛАР

Зарур маҳсулотлар: 6 дона помидор. 400 г. қатлама хамир, 125 г. пишлоқ, 4 ошқошиқ ўсимлик ёғи, туз, мурч, кўкат.

Тайёрланиши: Хамирни ёйиб, 10 см.ли квадрат шаклида ёйиб чиқинг. Начинкасини тайёрлаш учун пишлоқни майда кубик шаклида тўғранг ва ёғ, мурч билан аралаштиринг. Помидорларни икки бўлакка кесиб чиқинг.

Хамирни қолипларга жойлаштириб чиқинг ва чеккаларини чиқариб қўйинг. Помидорнинг юзасини пастга қаратиб, "сават"ларга териб чиқинг. Устидан эса пишлоқни қўйиб, кўкат сепинг.

"Саватча"ларни 200 даража иссиқликдаги газ печида 30 дақиқа давомида пиширинг олинг.



ВИТАМИНЛИ, ХУШХЎР

Гўштни музлатгичка полиэтилен пакетга ўраб солган маъқул. Яна музлатгичга солишдан аввал асло ювманг. Гўшт қанча секин музлатилса, шунча озиқлантирувчи хусусиятини сақлаб қолар экан.

МАЗАЛИ ВА ЧИРОЙЛИ

Сабзавотлар қайнаш жараёнида ўзининг фойдалилигини сақлаб қолади. Лекин сирка ва лимон кислотасидан бузилиши мумкин. Шунинг учун салатларга солинадиган сирка ва лимон кислотасини дастурхонга тортишдан аввал қўшиш керак.



27 АВГУСТ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 "Таҳлилнома".
8.50 Олтин мерос.
9.00 "Юртим бўйлаб" дастури.
9.25 "Болалар сайёраси":
10.20 "Уч бека".
10.55 Минг бир ривоят.
11.00 "Ахборот".
11.15 "Саломатлик сирлари".
11.35 "Марғилон – 2000".
11.40, 12.45 "Майсаранинг иши". Фильм.
13.45 Вилоят наволари.
13.55 Эски альбом.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Йўлдаги суҳбатлар".
14.45 "Шарқ тароналари".
15.25 "Ватанпарвар".
16.25 "Муқаддас қадамжолар".
16.45 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Шарқ тароналари" фестивали кундалиги.
17.30 "Оҳанглар оғушида".
17.40 "Вафонинг узун йўли".
18.05 "Менга барибир эмас". Бадиий фильм. 1-қисм.
18.45 "Сизнинг адвокатингиз".
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу менинг Ватаним!"
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Буюк Амир Темур".
20.35 Минг бир ривоят.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу менинг Ватаним!"
22.10 "Кўнгил риштаси".
23.20 Миллий сериал: "Ўч".
00.10 "Диёрим табиати".
00.20 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот".(рус)
1.30 "Чемпион сирлари".
1.50 "Майсаранинг иши".
4.00 "Ахборот".
4.35 "Юртим бўйлаб" дастури.
5.00 "Марғилон – 2000".
5.10 "Буюк Амир Темур".

ЁШЛАР

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 "Нафосат олами". Рассом Акмал Икромжонов.
18.10 "Якшанба нонуштаси".
18.30 "Мумтоз наво".
18.40 "UzEX хабарлари" (рус ва инглиз тилларида).
18.50 "Иқлим".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Ҳаёт эртаги". Телесериал (Корея)
20.10 "UzEX хабарлари".
20.15 "ТВ-банк".
20.25 "Ёшлик наволари".
20.45 "Эълонлар".
20.50 "Ишкомли уй". Телесериал.
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: "Биз киммиз?"
21.55 "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 "Пуаро". Телесериал.
23.40 - 23.45 "Таскин".

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.30 "Пойтахт".
18.45 "Шукрона".
18.50 "Эгизаклар".
19.25 "Тв-юрист".
19.50 "Саломат бўлинг"(рус.).
20.00 "Пойтахт" (рус.).
20.15 "ТВ-юрист"(рус.).
20.20 "Возможно, они сошли с ума". Познавательная программа.
20.50 "Интервью"(рус.).
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт".
21.45 "Ўйларим".
22.10 "Аёл қалби".
22.30 "Пойтахт" (рус.).
22.45 "Кино-SMS со звездами".
22.50 Кино: "Радио".
00.30 "Хайрли тун, шаҳрим!"

СПОРТ

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Талқин".
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Версия".
10.30 "Фазенда".
11.00 "Мониторинг".
11.20 "Ким нимага қодир?"
11.40 Волейбол. Мировой Гран-при. Финал.
18.00 Болалар спорти.
18.20 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида)
18.50 "Жди меня".
19.40 Футбол шарҳи.
20.00 "Чужие тайны". Сериал.
20.45 ПрофРИНГ.
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Дела семейные". Сериал.
22.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Нефтчи" – "Пахтакор".
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

28 АВГУСТ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 "Ахборот".
8.40 "Болалар сайёраси".
10.00 "Шарқ тароналари".
10.15 "Буюк Амир Темур".
10.45 "Сизнинг адвокатингиз".
10.50 "ТВ шифокор".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Ўч".
11.55 "Марғилон – 2000".
12.00 "Ахборот" (инглз.).
12.10 "Юртим бўйлаб" дастури.
12.30 "Одамлардан бири".
12.55 "Кўнгил риштаси".
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Қушлар ҳақида ҳақиқат".
15.10 "Интеллектуал ринг".
15.55 "Йўлдаги суҳбатлар".
16.25 "Азизим".
16.45 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Шарқ тароналари".
17.30 "Ҳудуллар ҳаёти".
17.50 "Оҳанглар оғушида".
18.00 "Менга барибир эмас. 2-қисм.
18.45 "Банк ва бизнес янгиликлари".
18.55, 21.40 "Бу менинг Ватаним!"
19.20 "Юртим кишилари".
19.30 "Ахборот" (рус.).
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Буюк Амир Темур".
21.00 "Ахборот".
22.10 "Кўнгил риштаси".
23.20 "Ўч".
00.10 "Бу менинг Ватаним!"
00.40 "Ўзбек спортининг 16 фасли"
1.00 "Ахборот".(рус.).
1.30 "Янги кун".
2.30 "Мўйқалам сеҳри".
3.00 "Ахборот" (инглз.).
3.10 "KINOMANIYA".
3.40 "Одамлардан бири".
4.00 "Ахборот".
4.35 "Ушалган орзулар".
5.00 "Марғилон – 2000".
5.10 "Буюк Амир Темур".

ЁШЛАР

7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 "Даврнинг боласи".
8.15 "Алпомиш".
8.25 "Болалар табассуми".
8.30 "Галактика" маърифий дастури.
9.20 "Ҳаёт эртаги".
10.00 "ДАВР".
10.15 "Шу кунларга етказганига шукр!"
10.20 "Интерфутбол".
11.50 "Чемпион сирлари".
12.10 "Ишкомли уй".
13.00 "ДАВР".
13.15 "Бу байрам – барчамизники!"
13.20 "Нафосат олами".
13.30 "Келажак овози" ёзги ормогоҳи.
14.00 "ЯНГИ КУН".
15.00 "Пуаро".
16.00 "ДАВР".
16.15 "Остона".
17.15 "Таълим ва тараққиёт".
17.30 "Мўйқалам сеҳри".
18.00 "Даврнинг боласи".
18.15 "Алпомиш".
18.25 "Ватаним!"
18.30 "Мумтоз наво".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Ҳаёт эртаги".
20.20 "Ҳаёт сўқмоқлари".
20.50 "Ишкомли уй".
21.35 "Ёшлик наволари".
22.00 "ДАВР".
22.50 "Пуаро".

ТОШКЕНТ

7 30 Салом, Тошкент!"
8.35 "Эгизаклар".
9.25 "Пиратские острова".
9.55 "Аёл қалби".
10.10 "ТВ-юрист".
10.15 "Шукрона".
10.40 "Ўйларим".
10.50 "Интервью" (рус.).
11.00 "Саломат бўлинг" (рус.).
11.10 "Туризм ҳақида"(рус.).
11.40 "Тв-юрист"(рус.).
11.50 Кино: "Радио".
17.55 Мультфильм
18.30 "Пойтахт".
18.45 "Шукрона".
18.50 "Эгизаклар".
19.25 "Тв-юрист".
19.50 "Химоя".
20.00 "Пойтахт" (рус.).
20.15 "ТВ-юрист"(рус.).
20.20 "Возможно, они сошли с ума".
20.50 "Репортаж".
21.00 "Жозиба".
21.25 "Анонс".
21.30 "Пойтахт".
21.45 "Ўйларим".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22."Самарқанд-2750 ёшда".
22.30 "Пойтахт" (рус.).
22.45 "Кино SMS со звездами".
22.50 Кино: "Дурдом на колесах".
00.20 "Хайрли тун, шаҳрим!"

СПОРТ

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
10.20 "Фазенда".
10.50 "Болалар спорти".
11.05 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
11.55 Волейбол. Мировой Гран-при. Финал.
12.35 Пляж футболи. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Насаф" – "Қурувчи".
18.45 "Хабарлар" (рус.).
19.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Насаф" – "Қурувчи".(Давоми)
20.00 "Чужие тайны". Сериал.
20.45 Белбоғли олиш кураши бўйича халқаро турнир.
21.10 Спорт – менинг ҳаётим".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида).
21.50 "Дела семейные". Сериал.
22.45 Еврофутбол.
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

29 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
8.50 "Чустга хуш келибсиз".
9.20 "Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари".
10.00 "Шарқ тароналари".
10.15 "Буюк Амир Темур".
10.50 "ТВ шифокор".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Ўч".
12.00 "Марғилон – 2000".
12.25 "Саёҳатга марҳабо!"
12.55 "Кўнгил риштаси".
14.00 "Ахборот".
14.20 "Олам ва одам" дастури.
15.10 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" хазинасидан.
16.10 "Ҳаёт ва қонун".
16.30 "Болалар сайёраси".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Шарқ тароналари".
17.30 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
18.00 "Менга барибир эмас".
18.45 "Сизнинг адвокатингиз".
18.50, 21.40 "Бу менинг Ватаним!"
19.30 "Ахборот" (рус.).
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Буюк Амир Темур".
21.00 "Ахборот".
22.10 "Кўнгил риштаси".
23.20 "Ўч".
00.05 "Бу менинг Ватаним!"
00.35 "Дунё манзаралари".
1.00 "Ахборот".(рус.).
1.30 "Янги кун".
2.30 "Ватанпарвар".
3.30 "Ўзбек спортининг 16 фасли".
4.00 "Ахборот".
4.35 "Чустга хуш келибсиз".
5.10 "Буюк Амир Темур".

ЁШЛАР

7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 "Даврнинг боласи".
8.15 "Алпомиш".
8.30 "Галактика" маърифий дастури.
9.20 "Ҳаёт эртаги".
10.00 "ДАВР".
10.15 "Шу кунларга етказганига шукр!"
10.20 "ВАТАНПАРВАР".
11.20 "ТВ-банк".
11.30 "Journal" (инглиз тилида).
11.50 "Чемпион сирлари".
12.10 "Ишкомли уй".
13.00 "ДАВР".
13.20 "Нафосат олами".
13.30 "Лангар. Муқаддас замин".
14.00 "ЯНГИ КУН".
15.00 "Пуаро".
16.00 "ДАВР".
16.15 "Остона".
17.10 "Биз киммиз?"
17.40 "Бунёдкор ёшлар".
18.00 "Даврнинг боласи".
18.15 "Алпомиш".
18.25 "Ватаним!"
19.00 "ДАВР".
19.30 "Ҳаёт эртаги".
20.20 "Манфаатли ҳамкорлик – давр талаби".
20.40 "Бу байрам – барчамизники!"
20.50 "Ишкомли уй".
22.00 "ДАВР".
22.50 "Пуаро".
23.40 "Таскин".

ТОШКЕНТ

7 30 Салом, Тошкент!"
8.35 "Эгизаклар".
9.05 "Телекурьер-маркет".
9.25 "Пиратские острова".
9.55 "Химоя".
10.05 "ТВ-юрист".
10.10 "Шукрона".
10.35 "Ўйларим".
10.45 "Репортаж".
10.55 "Тв-юрист" (рус.).
11.05 Кино: "Дурдом на колесах".
17.55 Мультфильм.
18.05 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт".
18.45 "Шукрона".
18.50 "Эгизаклар".
19.25 "Тв-юрист".
19.50 "Муқаддас қадамжолар".
20.00 "Пойтахт" (рус.).
20.15 "ТВ-юрист"(рус.).
20.20 "Возможно, они сошли с ума".
20.50 "Интервью".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт".
21.45 "Ўйларим".
22.10 "Самарқанд – 2750 ёшда".
22.30 "Пойтахт" (рус.).
22.50 Кино: "Перелом".
00.35 "Хайрли тун, шаҳрим!"

СПОРТ

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
10.20 "Фазенда".
10.50 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
11.40 Волейбол. Мировой Гран-при. Финал.
12.20 Пляж футболи. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Болалар спорти.
18.30 "Хабарлар" (рус.).
18.50 "Жасорат".
19.10 "Вокруг света".
20.00 "Чужие тайны". Сериал.
20.45 "Ўзбек спортининг 16 фасли".
21.05 Кураш бўйича халқаро турнир.
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида).
21.50 "Дела семейные". Сериал.
22.45. Еврофутбол. Чемпионлар лигаси.
"Ливерпуль" – "Тулуза".
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 "Ахборот".
8.50: "Ўзбекистон дурдоналари".
9.00 "Болалар сайёраси":
10.00 "Шарқ тароналари".
10.15 "Буюк Амир Темур".
10.45 "Сизнинг адвокатингиз".
10.50 "ТВ шифокор".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Ўч".
11.50 "Диёрим табиати".
12.00 "Ахборот" (инглз.).
12.15 "Таълим эътибор – келажакка эътибор".
12.35 "Азизим".
12.55 "Кўнгил риштаси".
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ўзбегим ёшлари – Малайзияда". 1-қисм.
15.20 "Қорақалпоқнома".
15.40 "Болалар сайёраси".
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Шифокор қабулида".
17.40, 21.40 "Бу менинг Ватаним!"
18.10 "Шарқ тароналари". (Ёзиб олинган).
19.30 "Ахборот" (рус.).
20.00 "ТВ шифокор".
20.05 "Буюк Амир Темур".
21.00 "Ахборот".
22.10 "Кўнгил риштаси".
23.20 "Юртим бўйлаб" дастури.
00.10 "Бу менинг Ватаним!"
1.00 "Ахборот".(рус.).
1.30 "Шарқ тароналари".
2.45 "Чанқовуз".
3.00 "Ахборот" (инглз.).
3.15 "Назм ва наво".
4.00 "Ахборот".
4.35 "Юртим бўйлаб" дастури.
5.00 "Буюк Амир Темур".

ЁШЛАР

7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 "Даврнинг боласи".
8.15 "Алпомиш".
8.30 "Галактика" маърифий дастури.
9.20 "Ҳаёт эртаги".
10.00 "ДАВР".
10.20 "Йўллар ва таассуротлар".
10.40 "Тараққиёт сари".
11.00 "Рўзғор мактаби".
11.30 "Бешик".
12.10 "Ишкомли уй".
13.00 "ДАВР".
13.20 "Нафосат олами".
13.30 "Орзулар майдони".
14.00 "ЯНГИ КУН".
15.00 "Пуаро".
16.00 "ДАВР".
16.15 "Остона".
17.10 "Биз киммиз?"
17.30 "Замона дурдоналари".
18.00 "Даврнинг боласи".
18.15 "Алпомиш".
18.25 "Ватаним!"
18.40 "Сифат белгиси".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Ҳаёт эртаги".
20.10 "KINOMANIYA".
20.50 "Ишкомли уй".
21.55 "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
22.00 "ДАВР".
22.50 "Пуаро".
23.40 "Таскин".

ТОШКЕНТ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Эгизаклар".
9.05 "Телекурьер-маркет".
9.25 "Пиратские острова".
9.55 "Муқаддас қадамжолар".
10.05 "ТВ-юрист".
10.10 "Шукрона".
10.35 "Ўйларим".
10.45 "Интервью".
10.55 "ТВ-юрист" (рус.).
11.05 Кино: "Перелом".
17.55 Мультфильм.
18.05 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт".
18.45 "Шукрона".
18.50 "Эгизаклар".
19.25 "Тв-юрист".
19.50 "Иқтисод-ревю"(рус.).
20.00 "Пойтахт" (рус.).
20.15 "ТВ-юрист"(рус.).
20.20 "Возможно, они сошли с ума".
20.50 "Интервью"(рус.).
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт".
21.45 "Ўйларим".
22.10 "Келажакка интилиб".
22.30 "Пойтахт" (рус.).
22.50 Кино: "Невеста из Вуадиля".
00.15 "Хайрли тун, шаҳрим!"

СПОРТ

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
10.20 "Фазенда".
10.50 "Жаҳон спорти юлдузлари".
11.10 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
12.00 Волейбол. Мировой Гран-при. Финал.
18.00 Болалар спорти.
18.30 "Хабарлар" (рус.).
18.50 "Иқтидор".
19.30 "Гейм- Сет- Матч".
19.45 "Шарқ яккакурашлари".
20.00 "Чужие тайны".
20.45 Формула -1.
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида).
21.50 "Дела семейные".
22.45 Еврофутбол. Чемпионлар лигаси.
"Селтик" – "Спартак".
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

31 АВГУСТ, ЖУМА

УЗБЕКИСТОН

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 "Ахборот".
8.50 "Юртим бўйлаб" дастури.
9.30 "Болалар сайёраси".
10.00 "Соз сеҳри".
10.25 "Буюк Амир Темур".
11.20 "Хотира".
11.50 "Бу менинг Ватаним!"
12.25 "Зулматни тарк этиб". Фильм.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ўзбегим ёшлари – Малайзияда". 2-қисм.
15.20 "Шомдан тонгтача".
16.00 "Ўйла! Изла! Топ!"
17.00 "Ахборот".
17.20 "Бир асар тарихи".
17.40 "Обод манзиллар".
18.05 "Буюк Амир Темур".
18.35 "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
18.55 "Ватан фидойилари".
19.00 "Ахборот" (рус.).
19.30, 22.00, 1.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган. байрам тантаналари.
21.30 "Ахборот".
00.15 "Шомдан тонгтача".
01.00 "Ахборот". (рус.).
03.30 "Қуёш шаҳри".
03.40 "Дунё таомлари".
04.00 "Ахборот".
04.35 "Обод манзиллар".
05.00 "Буюк Амир Темур".

ЁШЛАР

7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 "Даврнинг боласи".
8.15 "Алпомиш".
8.30 "KINOMANIYA".
9.00 "Биз киммиз?"
9.20 "Ҳаёт эртаги".
10.00 "ДАВР".
10.20 Кино: "Ватан".
12.10 "Ишкомли уй".
13.00 "ДАВР".
13.20 "Ипак сеҳри".
14.00 "ЯНГИ КУН".
15.00 "Пуаро".
16.00 "ДАВР".
16.15 "Остона".
17.10 "Биз киммиз?"
17.30 "Самарқанд жавоҳирлари".
18.15 "Алпомиш".
19.00 "ДАВР".
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.35 "Шодлик таронаси".
21.55 "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
22.00 "ДАВР".
22.30 Кино: "Қайнота".
1.10 "Таскин".

ТОШКЕНТ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Эгизаклар".
9.05 "Телекурьер-маркет".
9.25 "Пиратские острова".
9.55 "Келажакка интилиб".
10.10 "Тв-юрист".
10.15 "Шукрона".
10.40 "Ўйларим".
10.50 "Иқтисод-ревю" (рус.).
11.00 "Маърифат фидойилари".
11.15 "Шукрона".
11.40 "Ўйларим".
11.50 "Репортаж"(рус.).
12.10 "ТВ-юрист"(рус.).
12.20 Кино: "Родина".
13.55 "Саломат бўлинг".
14.05 "Нима учун?"
17.55 "Афиша"(рус.).
18.30 "Пойтахт".
18.45 Шукрона".
18.50 "Саломат бўлинг".
19.00 "Репортаж" (рус.).
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.30 "Пойтахт".
21.45 "Ўйларим".
22.10 "Маърифат фидойилари".
22.30 "Пойтахт" (рус.).
22.50 Кино: "Родина".
00.25 "Хайрли тун, шаҳрим!"

СПОРТ

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар" (ўзб тилида).
10.20 "Ўзбек спортининг 16 фасли".
10.40 "Болалар спорти".
11.00 "Фазенда".
11.30 "Ринг".
12.00 "Универсиада – 2007".
13.15 "Маҳалламиз таҳлаяларя".
18.10 "Халқ ўйинлари".
18.30 "Хабарлар" (рус.).
18.55 "Ўзбек спорти одимлари".
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам дастури.
21.30 "Хабарлар" (узб тилида)
21.50 "Узбекистан – Родина моя!"
22.10 "Учрашув" спорт-шоу.
23.10 Наше кино: "Дуэль под чинарой". Художественный фильм.
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

1 СЕНТЯБР, ШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 "Ахборот".
8.50 "Ўзбегим ҳаёти".
9.25 "Буюк Амир Темур".
9.55, 13.30, 19.20 Байрам табриги.
10.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари (ёзиб олинган).
12.00 "Бу менинг Ватаним!"
12.30 "Ассалом Ўзбекистон!".
13.35 "Обод манзиллар".
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ватанимни куйлайман".
14.30 Кино: "Чимилдиқ".
15.45 "Истиқлол тенгдошлари".
16.05 "Муқаддас қадамжолар".
16.30 Кино: "Суюнчи".
17.40 "Одами эрсанг..."
18.00 "Ватанимни куйлайман".
18.10 "Заковат". Финал.
19.30 "Ахборот" (рус.).
20.05 "Тўмарис издошлари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Оҳанрабо".
22.20 "Маҳаллада дув-дув гап".
23.50 Кино: "Суюнчи".
01.00 "Ахборот". (рус.).
01.30 "Янги кун".
02.30 "Заковат".
04.00 "Ахборот".
04.35 Кино: "Чимилдиқ".

ЁШЛАР

7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 "Даврнинг боласи".
8.15 "Алпомиш".
8.35 Кино: "Ойижон".
9.55 "Шу кунларга етказганига шукр!"
10.00 "ДАВР".
10.10 "Ҳаёт сўқмоқлари".
10.30 "Келинлар қўзғолони" спектакли.
12.45 "Шодлик таронаси".
13.00 "ЯНГИ КУН".
14.00 Мультфильм:
15.50 Кино: "Абдуллажон".
17.10 "Бу байрам – барчамизники!"
17.20 "Истиқбол тимсоллари".
17.30 "Чемпион сирлари".
17.50 "Бу байрам – барчамизники!"
18.00 "Даврнинг боласи".
18.15 "Алпомиш".
18.35 "Бу байрам – барчамизники!"
18.45 "Каталог".
18.55 "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
19.00 "ДАВР".
19.20 "Бу байрам – барчамизники!"
19.30 "Дунё таомлари".
19.50 "Шодлик таронаси".
20.20 Кино: "Келгинди келин".
22.20 Кино: "Келгинди кўён".
00.20 "Таскин".

ТОШКЕНТ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Эгизаклар".
9.25 Мультфильм:
10.50 "ТВ-юрист".
11.00 "Маърифат фидойилари".
11.15 "Шукрона".
11.40 "Ўйларим".
11.50 "Репортаж"(рус.).
12.10 "ТВ-юрист"(рус.).
12.20 Кино: "Родина".
13.55 "Саломат бўлинг".
14.05 "Нима учун?"
14.50 Кино: "Мусофир".
18.30 "Пойтахт".
18.45 "Шукрона".
18.50 "Эгизаклар".
19.25 "Тв-юрист".
20.00 "Пойтахт" (рус.).
20.15 "Мысли вслух"(рус.).
20.20 "Фаязтепа: Путешествие в глубину веков".
20.50 "Интервью".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт".
22.10 "Истеъдод".
22.30 "Пойтахт" (рус.).
22.50 Кино: "Чужая весна".
00.30 "Хайрли тун, шаҳрим!"

СПОРТ



"Sport" телерадиоканали Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган телемарафон.
7.30 дан – 1.00 гача.

2 СЕНТЯБР, ЯКШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 "Ахборот".
8.40 "Тангалик болалар". Фильм.
9.55 "Ажойиб саёҳат". Фильм-концерт.
10.20 "Учрашув".
11.20 "Заковат".
12.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.30 "Оҳанрабо".
14.15 Кино: "Суратдаги сир".
15.55 "Болалар сайёраси":
16.20 Кино: "Хавфли бурилиш".
17.55 "Тўмарис издошлари".
18.45 "Ҳандалак".
19.15 "Оҳанглар оғушида".
19.30 "Таҳлилнома" (рус.).
20.05 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
22.00 "Ҳеч қачон алвидо, деманг". Фильм.
01.00 "Таҳлилнома". (рус.).
01.30 "Оҳанрабо".
02.10 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
03.10 "Тўмарис издошлари".
04.00 "Таҳлилнома".
04.45 "Учрашув".

ЁШЛАР

7.00 Кино: "Душанбагача бир гап бўлар. "
8.30 "Болалар давраси".
9.00 "Якшанба нонуштаси".
9.20 "Дунё таомлари".
9.40 "Айланай"
10.00 "ВАТАНПАРВАР".
11.00 "Journal" (инглз.).
11.20 "Акс". Ток-шоу.
12.00 Кино: "Севги афсонаси".
14.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари (ёзиб олинган).
16.20 "Мўйқалам сеҳри".
16.50 "Бунёдкор ёшлар".
17.10 "Биз киммиз?"
17.30 "Чемпион сирлари".
17.50 "Мафтункор ранглар дунёси".
18.00 "Эверест". Интеллектуал ток-шоу.
18.40 "Камолот" хабарлари.
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.40 "Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон!"
19.50 "ТАРАННУМ".
20.40 "Хуш келибсиз".
21.00 "Дилроз" мусиқий дастурида Отабек Муҳаммадзоҳид.
21.30 "KINOMANIYA".
22.00 Кинокомедия: "Иван Васильевич касбини ўзгартиради".
23.30 "Тунги парвоз".
00.00 "Хайрли тун!"

ТОШКЕНТ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Эгизаклар". Телесериал.
9.25 Мультфильм.
9.50 "ТВ-юрист".
9.55 "Интервью".
10.05 "Истеъдод".
10.20 "Шукрона".
10.25 Кино: "Тўйлар муборак".
12.10 Фильм–детям.
13.40 "КИНОТАҚДИМ".
14.10 Кино: "Чужая весна".
15.55 "Жозиба".
16.20 "Саргузаштлар ороли".
16.45 "Мулоҳаза учун мавзу".
17.15 "Репортаж".
17.25 "Шукрона".
17.30 Кино: "Бахт учун миллион".
19.05 "Аёл қалби".
20.05 "Репортаж" (рус.).
20.15 "Туризм ҳақида" (рус.).
20.50 Кино-SMS со звездами: "Троя",
"Гладиатор",
"Храброе сердце".
23.20 "Хайрли тун, шаҳрим!"

СПОРТ

7.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (рус.).
9.10 "Файзли ошхона".
9.35 "Пока все дома".
10.25 "Фазенда".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам дастури.
13.40 "Ўзбек спортининг 16 фасли".
14.00 "Поле чудес".
15.00 ПрофРИНГ.
18.00 "Мусиқий тайм".
18.15 Мультфильм.
18.30 "Версия".
19.00 "Спорт уник-энд".
19.40 "Узбекистан – Родина моя!"
19.55 Еврофутбол. Англия премьер лигаси.
"Астон Вилла" – "Челси".
21.50 "Талқин".
22.20 Фильм: "Фантастическая четвёрка".
24.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Телевизионная программа представлена ООО «САДО»



ГАЗЕТАНИНГ 33-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Қирғовул. Локомотив. Олам. Четан. Зор. Зафаробод. Ар. Ака. Асл. Овул. Ио. Омск. Ўрозбоев. Далда. Раво. Арз. От. Лариса. Ва. Икс. Ниҳол. Тикан. Илон. Кана. Кафолат. Ҳиндистон. Лат.

БЎЙИГА: Қиличбозлик. Ракета. Осмон. Устара. Ёв. Ол. Колумб. Авра. Коми. Фа. Бу. Ов. Асо. Урал. Зардоб. Соз. Ролик. Ихота. Овал. Ўрдак. Ватан. Керосин. Ун. Озодалик. Авиасозлик. Фан. Акс. Андижон.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

УСТУВОР МАҚСАДЛАРИМИЗГА МУШТАРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз фуқароларини юртимизни ҳимоя қилишлари учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтказишга, конституциявий бурчларини адо этишга сафарбар қилди.

2002 йилнинг 29–30 август кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президентимиз томонидан "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузада илгари сурилган фикрлар, ғоялар профессионал армияга жадал сурьатлар билан ўтишимиз йўлидаги янги бир даврни бошлаб берди. Ислоҳотларнинг учинчи босқичи, дея эътироф этилган бу даврда биз асосий эътиборни кам сонли, мобил, профессионал армия тузишга қаратдик. Табиийки, бу ўринда мавжуд қонунчилик, меъёрий ҳужжатларга ҳам муайян ўзгартиришлар киритиш кераклигини давр тақозо қилаётганди. Айниқса, чақирув тизимига. Ўша тарихий сессияда Юртбошимиз бу борада ҳам оқилона йўлни кўрсатиб бердилар. Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди, қандай қилсак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади, қабилидаги саволларни ўртага ташлаб, уларнинг ечимини кўрсатди.

Хуллас, ўша тарихий сессия чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ўзгартириш борасида тамал тошини қўйди. Юқорида тилга олинган қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бу билан бу борада ҳам ўз йўлимизга эга эканлигимизни кўрсатдик.

2002 йилнинг 12 декабрида янги таҳрирда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонунга кўра ҳарбий хизмат турларига ўзгартиришлар киритилди. Аниқроғи, ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилди: муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, контракт бўйича ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Муддатли ҳарбий хизмат ўн икки ой (олий маълумотлилар учун тўққиз ой) қилиб белгиланди. Янги – сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилиши, унинг ўзига хос афзалликлари, имкониятлари ҳатто, айрим қўшни мамлакатларни ҳам қизиқтираётганини яхши биламиз. "Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар", дея ёзилган Қонуннинг 6-моддасида.

Шунингдек, янги қонунга биноан фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш, ҳарбий хизматга чақирилиш ва кириш бобида анчайин ўзгартиришлар қилинди. Бу чақирув комиссияларининг ишидаги самарадорликни оширишга, демакки, чақирувнинг сифати ошишига хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, замон талаблари асосида шаклланаётган миллий армиямиз учун мос ва хос қонун қабул қилинди.

Ҳademай, мазкур қонун асосида навбатдаги чақирув бошланади. Келинг, истиқлол шодиёналари руҳи кезиб юрган шу кунларда чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимимизда амалга оширилиб келинаётган янгиланишлар, ўзгаришлардан ҳам сўз очайлик. Негаки, истиқлол сабаб ўзимизга хос, ўзимизга мос ана шундайин қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилдик. Мустақиллик сабаб чақирув тизимида кўлами кенг ислоҳотлар ўтказдик.

Айнан шунинг учун ҳам бугун баралла айта оламизки, армияда хизмат қилиш чин маънода шарафга, фахрга айланди. Чақирув ёшига етган, адолат мезони бўлган кўрик-танловдан ўтишга, демакки, аскар бўлишга чоғланаётган йигитлар билан айни кунларда маҳаллаларда суҳбатлар уюштирилмоқда. Аниқроғи, уларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилмоқда. Бунима учун керак? Таъкидлаш лозимки, профессионал армиямизнинг посбони мақомига йигит ҳар томонлама муносиб бўлмоғи лозим. Бундайин суриштирув, ўрганишларда бўлғуси аскарнинг хулқи, аҳлоқи, жамоат ишларидаги иштироки яқол ойдинлашади. Дейлик, ота-онасининг ижтимоий аҳволи ҳақида маълумот тўпланади. Ахир, юрт ҳимоясига отланаётган ўғлоннинг оилавий шароитига қараб кўп нарсани билиб олса бўлади. Оиласида келишмовчиликлар, турли муаммолар бўлиб турадиган, ота-онасининг ахлоқи талабга жавоб бермайдиган йигит армияга борса, турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Ёки маҳалладаги ўрганишлар натижасида йигитнинг кимлар билан дўст тутинганини аниқлай оламиз. Шунга қараб унинг хулқи, бирон-бир ёмон гуруҳларга қўшилган, қўшилмаганини билиб оламиз.

Эсингизда бўлса, Президентимизнинг 2005 йил 4 мартда эълон қилган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Қарорига кўра муҳим янгилик ҳаётга татбиқ этилди. Яъни фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, резервга бўшатилганларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби борасида Низом ишлаб чиқилди. Ажойиб анъанага – халқимиз азал-азалдан аскарликка кетган ўғлонларини тантана билан кузатиб, кутиб олиш анъанасига ҳукумат даражасида эътибор қаратилди.

Тилга олинаётган қонун, хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун ёшларимизнинг чақирувга қадар ҳарбий хизматга тайёргарлигини ҳам муайян бир тизимга солди. Бугун йигит чақирувга қадар бошланғич тайёргарликдан ўтади, ҳарбий-техника мутахассислиги борасида мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ўқув муассасаларида таълим олади. Бир сўз билан айтганда, муайян касбга эга бўлиб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олади. Шунинг учун ҳам уларга бемалол таяниш, суяниш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, тилга олинаётган қонун мамлакатимиз фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмоқда, демакки, юртимиз тинчлиги, Ўзбекистонимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги устувор мақсадларимизга хизмат қилмоқда.

Майор Алижон САФАРОВ.











31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ЭРК УЧУН КУРАШГАН БОБОЛАРИМИЗ



Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг невараси Назира Одилова шундай ҳикоя қилади: "Бобомизни 1937 йили ҳибсга олишган. Раҳбарнисо бибимиз беш нафар фарзанд билан чирқираб қолган, хўрликларга, мусибатларга бардош бера олмай тезда оламдан ўтган. Орадан кўп ўтмай, тоғам Ҳабибулло Қодирий (Худо у кишини раҳматга ёр этсин) ўн йилга қамалган. Менинг онам – Адиба, укаси Масъуд ва синглиси Анисалар Қодирийнинг катта қизи – эндигина ўн саккиз ёшга тўлган Назифа опанинг қўлида қолиб кетган.

Онам ўша даврни эслаб, "Нақадар аянчли, қоп-қора кунлар эди, болам", дейди. Кўча-кўйда ўзимизни четга тортиб, паранжи ёпиниб юрсак ҳам бизни хўрлашарди, ана "халқ душмани"нинг қизи, деб қўлини бигиз қилиб кўрсатишар эди.

Мени ҳатто мактабга киритишмаган. Шунда дод солиб йиғлаб, уйга келганман. Кечалари қон йиғлаб чиққанман, ёстиқларим жиққа ҳўл бўлган, кейин ҳам унсиз фарёд кўтариб яшаганмиз".

Шунингдек, севимли шоиримиз невараси яқин-яқингача бобосининг қабри қаерда эканлигини, қачон, қандай қатл этилганини билмаганликларини ғамалам билан хотирлар экан, истиқлол шарофати билан адибнинг хотираси тиклангани, ёзган асарлари ёруғлик кўрганини эътироф этади.

Дарҳақиқат, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар истиқлолнинг илк йиллариданоқ, ҳатто мустақилликка эришиш арафасида бошланди, десак хато қилмаймиз. Масалан, 1991 йилнинг 6 февралидаёқ Абдулла Қодирийнинг порлоқ хотирасига унинг номида адабиёт ва санъат соҳасида давлат мукофоти таъсис этилди. Қодирий бобомиз биринчилардан бўлиб "Мустақиллик" орденига муносиб кўрилди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан бир ой ҳам ўтмай, аниқроғи, 1991 йилнинг 25 сентябрида халқимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган, истибдод қурбонлари бўлган боболаримиз – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларга Навоий номидаги давлат мукофоти берилди. Ҳа, мустақил тараққиёт йўлимизнинг илк одимлариданоқ юрт озодлиги ва ҳурлиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни мустақилликка, эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватанпарварлар доимо қалбимизда бўлишини намоён этдик.

Бу эзгу ишлар замирида улкан маънавий-маърифий, тарбиявий мезонлар мужассам. Дейлик, бугунги ёш авлод бундайин эзгу ишларни кузатар экан, аввало, мустақиллигимизнинг қанчалар азиз, қанчалар улуғ неъмат эканини, унда фидойи аждодларнинг, улар орзу-армонларининг ҳам ҳаққи борлигини қалб-қалбларидан англашади, ҳис қилишади. Демакки, истиқлолни янада мустаҳкамлашга, асраб-авайлашга интилишади. Ҳа, юрт озодлиги, ҳурлиги йўлида жон фидо этганлар хотираси доимо халқимиз қалбида яшаб келган. Бугун бу борада амалга оширилаётган хайрли, савобли ишларни кузатиб, юракларимизда ижтимоий адолатга ишонч янада мустаҳкамланмоқда, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, фидойилик туйғулари янгидан-янги куч олмоқда.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

ЎЗБЕК ТАСВИРИЙ САНЪАТИ ДАРҒАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чингиз Аҳмаровнинг номи ўзбек тасвирий санъатининг дарғалари орасида ҳақли равишда энг фахрли ўринни эгаллайди. Унинг ижоди тасвирий санъатимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолди ва кенг халқ оммасининг олқишига сазовор бўлди.

Маълумки, инсоннинг севган касбига чинакам меҳри фидойилик, илҳом ва муҳаббатдан бошланади. Рассомлар чизган асарларни кўрганда илҳомланиш, завқ олиш Чингиз Аҳмаровнинг юрагида жуда эрта – болалик чоғларида, ўзи туғилиб ўсган оила қучоғида пайдо бўлди.

Унинг отаси тарихни, халқ бадиий ижодини, Шарқ адабиёти ва санъатини билар ва жуда қадрлар эди. Шу боис уйларига келган ёру биродарларига бу мавзуларда тўлиб-тошиб гапириб берарди. Отасининг қикояларини жон қулоғи билан эшитаётган ёш Чингизнинг кўз олдида ўрта аср меъморчилиги дурдоналари, бадиий ҳунармандчилик намуналари намоён бўлар ва унинг қалбига жо бўлиб, ҳаяжонга соларди, эшитганлари ҳақида тезроқ ўзи ҳам кўришни орзу қиларди. Бу орзу эса унинг рассомчилик соҳасини танлашига туртки бўлди, десак янглишмаймиз. Шундан сўнг у уйларидаги кутубхонага кириб соатлаб ўтириб, китоблардаги расмларни томоша қила бошлади. Кейинчалик ўзи ҳам китоблардаги расмларга қараб, улардан нусха кўчира бошлади. Бу иш бориб-бориб унинг кундалик машғулотига айланиб қолади. Унинг чизган расмларини кўрган отаси бир куни унга шундай деди: "Мана шу интилишинг бўлса, албатта сен буюк рассом бўлиб етишасан. Сенга биргина маслаҳатим, фақат гўзалликни ифодала. Чунки гўзаллик абадийдир".

1920 йилларнинг охирида Аҳмаровлар оиласи Қаршига, сўнг Самарқандга кўчиб келади. Чингизнинг қаршисида гўё болалик чоғларидан буён ўйлаб юрган афсонавий шаҳар дарвозаси ланг очилгандек бўлди. Бу пайтда у Россиядаги Пермь бадиий техникумида таҳсил олаётган эди. Шундан сўнг у таътил кунларини Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, ўтказа бошлади. Бир-биридан ёрқин рангларга тўлиб-тошган бозор ва чойхоналарнинг улуғворлиги ва маҳобатлилиги, меъморчилик ёдгорликларидаги бой нақшлар ва бўёқлар, умуман, бутун шаҳар ҳаёти Чингиз Аҳмаровга жуда катта таъсир кўрсатди. "Бадиий техникум менга санъат соҳаларини ўргатиб, ҳаётга йўлланма берган бўлса, Самарқанд шаҳри менинг ижодий етишувимга ҳақиқий тамал тошини қўйди", – деган эди Ч.Аҳмаров. Орадан йиллар ўтиб, таниқли рассом бўлиб етишган, ижодий куч-қувватга тўлиб тошган Чингиз Аҳмаров Москвада намойиш этган шахсий кўргазмасида ўзининг энг яхши қораламалари, сафарда чизган суратлари, деворий суратларга ишлаган эскиз ва фрагментлари, китобларга ишлаган расмларини санъат мухлисларига ҳавола қилдики, натижада кўпдан-кўп томошабинлар ва бадиий жамоатчилик вакиллари рассомнинг юксак ва нозик диди, баркамол маҳорати, асарларидаги нафислик, сюжет ва мотивларнинг ўзига хослиги, образларнинг бетакрор эканлигини якдиллик билан таъкидлаб, юқори баҳо бердилар. Аҳмаров ижодига берилган бундай юксак баҳо уни ўз устида тинмай ишлашга, янги-янги санъат асарларини яратишга ундади.

1935 йилда Чингиз Аҳмаров Москвадаги Суриков рассомлик институтига ўқишга кирди. Институтда у И.Грибарь, В. Фаровский, Н. Чернешев, Л. Бруни сингари тасвирий санъат намояндаларидан таълим олди. Чингиз Аҳмаров институтда ўқиб юрган кезларида Тошкентда Алишер Навоий номли опера ва балет театри қурилиши якунланди. Бу иншоот муаллифи, меъморчилик академиги А.Шчусев театрнинг зебу зийнатларида, хусусан, унинг ички қисмида ўзбек халқининг миллий меросидан фойдаланишга ҳаракат қилди. У деворий бадиий безакларни ишлаш учун ўзбек халқи маданияти ва санъатини чуқур биладиган, миллий ўзига хосликнинг нозик томонларини фарқ қила оладиган рассом қидираётган эди. Бундан ташқари бу рассом Алишер Навоий ижодини ҳам яхши билиши керак эди. Чунки меъморнинг фикрига кўра, фрескалар мавзусига Навоий достонларининг сюжетлари асос қилиб олиниши лозим эди. И Грибарь бу улкан ишни бажариш учун Ч.Аҳмаровни тавсия этди. Рассом мазкур ишни юрак қўрини бериб бажарди. Тўрт йиллик меҳнати жараёнида (1944–1947 й.) рассом саккизта композиция яратди. Булардан тўрттаси театрнинг биринчи қаватига зийнат бағишлади. Уларнинг ҳар бирида куй, тасвирий санъат, рақс ва ва шеъриятни ўзида ифода этувчи гўзал қиз образлари талқин этилган. Иккинчи қаватдаги деворий расмлар Навоийнинг машҳур "Хамса" достони туркумига кирувчи "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Садди Искандарий" ва "Сабаъи сайёр" достонларидаги эпизодларга бағишлангандир. Шеърият руҳини сақлаган ва образлар борлиғига чуқур кирган ҳолда рассом буюк шоир асарларидан ўзи ўқиб, тасаввур қилган сийқалар тимсолини томошабин диққатига ҳавола этди. Композициялар декоративлиги, расмларининг гўзаллиги билан ажралиб турувчи ўзбек миниатюраси мумтоз намуналари руҳида яратилган тасвирларни янги йўналишлар, замонавий тасвирий санъат тажрибалари билан бойитди. Мана шундай хусусиятлар деворий расмларнинг театр интерьерига табиий сингишиб кетишига сабаб бўлди.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театридаги деворий расмлар нафақат Ч.Аҳмаров ижодининг, балки Ўзбекистон монументал санъатининг илк ва ёрқин саҳифаси бўлиб қолди. Шу даврдан бошлаб Шарқ мавзуси рассом ижодидан кенг ўрин олди.

Қарийб ярим асрлик ижодий фаолиятида у юзлаб график асарлар яратди. Буларга китобларга ишланган расмлар, кўплаб хорижий мамлакатларга қилган сафар таассуротлари акс этган туркум ишлар, ўнлаб портрет ва тематик полотнолар, спектакль ва кинофильмларга ишланган декорация эскизлари ва республикамиздаги жамоат биноларининг ички деворларига ишланган қатор суратларнинг қораламалари киради.

Ч.Аҳмаров тасвирий санъатнинг портрет жанрида ҳам самарали ижод қилди. Уларнинг кўпчилигини ўзига руҳан яқин бўлган кишилар: ёзувчилар, шоирлар, актёрлар ва рассомларнинг портретлари ташкил қилади. Машҳур балерина М.Плисецкая, рассом Р.Темуров, шоира Зулфия, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева ва актёр Аброр Ҳидоятов портретлари шулар жумласига киради. Буларнинг ҳар бирида рассом ўз қаҳрамони ташқи қиёфасидаги индивидуал баркамолликни ифодалайди ҳамда унинг руҳий дунёси ўзига хослигини, шахснинг ижодий интилишларидаги ягоналикни очиб беришга ҳаракат қилади.

50-йиллар бошида Ч.Аҳмаров Москва метроси станцияларига мўлжалланган монументал ишларда қатнашиш учун таклиф этилди. У кўпгина таниқли рассомлар билан биргаликда метро станциялари, меҳмонхоналар ва бошқа бинолар учун деворий расмлар ижод қилди.

Ўзбекистонга қайтганидан кейин рассомнинг қилган йирик ишларидан бири Улуғбек расадхонасининг ёнида қад кўтарган музей биноси ички қисмига ишланган ижодий ишлар туркуми бўлди. Кейинчалик Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти биноси ички қисмига, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг баъзи залларига, Самарқанддаги Улуғбек мемориал музейига, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти биноларига ҳамда Тошкент метрополитенининг "Алишер Навоий" бекати ва Амалий санъат музейи биносига ҳам деворий расмлар ишлади. Бу расмларни эса иложи борича Шарқ миниатюраси тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бажаришга ҳаракат қилди.

"Мен ўз асарларимни "миниатюрага ўхшатиб" яратишни ҳеч қачон мақсад қилмаганман ва мақсад қилмайман ҳам. Мен ақл бовар қилмас бадиий мактаб яратган машҳур миниатюрачиларнинг асарларини юракдан севаман, ўрганаман. Миниатюра санъати тасвирланаётган воқеаларнинг, одамларнинг, табиат гўзаллигининг жонлилиги, рангларнинг ҳайратомуз уйғунлиги, рассом туйғуларининг ҳаққонийлиги билан мени ҳаяжонга солади. У менинг илҳом булоғим, менинг мактабимдир..."

Рассомнинг бу сўзларида ижодий интилишларига ва ишига илҳом бағишлайдиган чинакам санъат йўлида қўлга киритган муваффақиятлари омили ёрқин ифодаланган. Зеро,Чингиз Аҳмаров ўз асарлари билан ўзбек тасвирий санъатида деворий, яъни монументал рангтасвир жанрининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган ижодкордир. Шундай экан, мусаввир чизган расмлар асрлар оша санъат шинавандаларининг қалбига йўл топиб, эстетик завқ бераверади.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.





МК "Ватанпарвар" ташкилотларида

ЮРТ ШАЪНИНИ ШАРАФЛАШАР

Айни дамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Андижон вилоят кенгаши ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллик байрамини катта муваффақиятлар билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ташкилотнинг Андижон шаҳар, туман кенгашларида ва барча мавжуд ўқув спорт техника клубларида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари, "Нуроний", "Маҳалла", жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва бўлими, Маънавият ва тарғибот марказлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, ёшларни юртига садоқатли, Ватанни ҳимоя қилишда доимо тайёр турадиган етук фарзандлар қилиб тайёрлаш учун бир қанча хайрли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Ўқув ташкилотларида маънавий-маърифий масалаларга эътибор кучли. Ташкилотларимизнинг ҳар бирида алоҳида "Маънавият ва маърифат" хоналари тащкил этилган. Ватанпарварлик тарғиботини янада жонлантириш мақсадида курсантлар билан "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши томонидан тасдиқланган 35 соатлик режа асосида маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари олиб борилмоқда. Ўқув йили давомида ҳар ойнинг биринчи ва учинчи чоршанба кунларида турли соҳадаги ҳамкор ташкилот вакиллари иштирокида маънавият ва маърифат соатлари ўтказилиб келинмоқда.

Вилоят, шаҳар, туман кенгашлари бошланғич ташкилотларида ёшлар билан олиб борилаётган тарбиявий тадбирларни ташвиқот ва тарғибот ишлари жонли мулоқот, савол-жавоб, мунозара шаклида амалга ошириб келинмоқда. Асосий мақсад – вилоят аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида ватанпарварлик руҳини шакллантиришга қаратилган. Барча кенгашларда йиллик, ойлик иш режалари асосида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, меҳнатда ўрнак кўрсатган илғорлар, Қуролли Кучлар сафидаги аскар ва офицерлар, мустақилликни ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган ватандошларимиз билан учрашувлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Вилоят, шаҳар, туман марказлари спорт техника клублари негизларида махсус йўналишлар бўйича "Автотарғибот" юриш тадбирлари амалга оширилянти.

Вилоят кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда ана шундай тадбирлар йил давомида Андижон, Хўжаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Асака, Шаҳрихон йўналишларида бўлиб ўтди.

Кейинги пайтда "Автотарғибот" юриш сафида "Ватанпарвар" фахрийлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, халқ таълими, мудофаа ишлари бўлимлари, маънавият ва тарғибот маркази ходимлари фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари вакиллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик иштирок этиши анъанага айланиб қолган.

"Хотира ва Қадрлаш" майдони ва "Шаҳидлар хотираси"га бағишлаб ўрнатилган ёдгорликлар мажмуаси, Боғишамолдаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур музейи, Андижон шаҳридаги ўлкашунослик музейи ҳамда шаҳар, туманлардаги тарихий музейларга уюштирилаётган саёҳатлар ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш мақсадида "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир", "Мардлар қўриқлайди, Ватанни", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз", "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат", "Ҳеч кимга бермаймиз, сени, Ўзбекистон" мавзуларида кечалар ташкил этилиб борилмоқда.

Ўқув биноларининг ички ва ташқи томонлари кўргазмали плакатлар билан жиҳозланган. Бу борада Андижон бирлашган техника мактаби, Хўжаобод ва Шаҳрихон автомобилчилар тайёрлаш мактаблари, Андижон, Олтинкўл, Қўрғонтепа туман кенгашларида намунали ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят бўйича ҳарбий-техник тайёргарликнинг таркибий қисми бўлган спорт турлари – картинг, автокўпкураш, пневматик милтиқдан ўқ отиш, мотокросс, ёзги биатлон, авто, кема, авиамодель бўйича 70 та секция ўз фаолиятини олиб бормоқда. Унда шуғулланувчилар сони 5700 нафарни ташкил этади. 2007 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида 186 та клуб мусобақалари, 83 та туман мусобақалари, 6 та минтақавий мусобақалар, 3 та республика мусобақалари, жами 278 та мусобақа ўтказилди. Мусобақаларда 6839 нафар спортчилар иштирок этиб, булардан 1334 нафари спорт меъёрларини бажаришди.

Бир сўз билан айтганда, вилоят кенгаши мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутувчи спорт турларининг оммавийлигини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва бу орқали халқаро ареналарда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ватанпарварлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўшишни бугунги кундаги бош вазифаларидан бири деб билади.

Раҳмонберди МАДРАҲИМОВ,
МК "Ватанпарвар" ташкилоти Андижон вилоят кенгаши раисининг ўринбосари.

ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Самарқанд вилояти кенгашига қарашли Каттақўрғон автомобилчилар тайёрлаш мактаби ўтган йиллар давомида вилоятнинг ўнлаб туманларига, ҳарбий қисмларга ҳамда халқ хўжалигига "В, ВС, Д, Е" тоифали етук ҳайдовчиларни тайёрлаб берган бўлса, мустақиллик шарофати билан мактаб қайта тузилиб, ўз низомига эга бўлиб, ҳарбий хизматга чақирилганлар орасидан мутахассис шогирдлар тайёрлаш борасида олдига қўйилган вазифаларни аъло даражада бажариб келмоқда.

Каттақўрғон автомобилчилар тайёрлаш мактабининг асосий вазифаси Қуролли Кучлар ва халқ хўжалиги учун "ВС" тоифали ҳарбий мутахассис ҳайдовчилар тайёрлаш билан бирга спортнинг амалий-техник, картинг, биатлон, ҳарбий кўп кураш, авторалли, автокросс турлари бўйича тузилган секция ва клубларда ёшларга сабоқ беришдир. Клуб ва секцияларда Каттақўрғон шаҳри ва қўшни туман ёшлари мунтазам спорт билан шуғулланиб келишмоқда. Ушбу тўгаракларга ҳозирги пайтда юзга яқин ёшлар жалб қилиниб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу ерда курсантлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Етмиш беш ўринли ётоқхона, амалий ва назарий машғулотлар учун ўқув хоналари замон талабларига мос равишда жиҳозланган.

Мактабда ўтган йилда Қуролли Кучларимиз сафларига юздан зиёд мутахассислар, халқ хўжалиги учун турли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланди.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг 15 йиллиги муносабати билан мактабда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси, мудофаа ишлари бўлими, прокуратура, "Маънавият ва тарғибот" маркази бўлимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда бўлиб, ёшларни спортнинг амалий техник турларига кенг жалб қилиш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Дилшод ШАКАРОВ.

Инсонийлик мезонлари

ШЕРАЛИ ПОЛВОННИНГ ШУҲРАТИ

Кичик фермер хўжалиги бошлиғи Шерали Аббосов болаликдан йилқи парвариши билан машғул бўлди. Ҳовлисидаги бостирмада ҳар доим от боғлоғлик тургани учунми, пойгаларда улоқ-кўпкари чопишга бўлган иштиёқи эрта уйғонди. Тоғаси, таниқли чавандоз Жонзоқ раисдан оқ фотиҳа олгач, пойгаларда совриннинг кўпини қўлга киритиб, эл-юрт олқишига сазавор бўлди. У обрў-эътибор орттириш ва мол-дунё тўплашга қизиқмади. Мақсади турли давра ва йиғин, тантана ва тўй-ҳашамларда одамларни хурсанд қилиш бўлган. Очиққўнгил ва маънавиятли полвон эришган ютуқлари ҳақида оғиз очмади. Улуғликни инсонийликда, эл-юртнинг корига яраша ва ҳалол меҳнат қилиб яшашда, деб билди.

ТЕНГ КУРАШЛАР ОСТИДА

Қиш охирлаб баҳор нафаси уфуриб қолган кезлар эди. Ургутда Жуманбой базмдан сўнг элга катта улоқ-кўпкари берадиган бўлди. Узоқ-яқиндан келувчи чавандозларнинг охири кўринмасди. Кечқурун уларга илтифот кўрсатилиб қўноқ берилди. Дастурхон ёзилиб бир неча семиз қўй сўйилди. Мезбон меҳмонхонадаги полвонларни нома-ном биларди. У Шерали полвонга назар ташлагач:

– Эъзозлаб олиб келинган полвон шуми? – дея эътироз билдирди аъёнларига. – Чилимбош экан-ку.

Бу гаплардан полвоннинг кўнгли ўксиб, дили оғриди. Шу тобда у шериклари билан неча юз чақиримлик масофани отда босиб келганига пушаймон еди. Тунда яхши ухлай олмай, тонгга яқин кўзи илинди.

Эртаси куни сайҳонликда отларнинг дупурлаши, кишнаши ва пишқириши, томошабинларнинг шовқин-сурони ҳамда қийқириқлари бир-бирига қўшилиб кетди. Шунда полвонга зотдор қорабайирни рўпара қилишди. У бошқа отлардан ўн чандон кучли бўлиб, ўйноқлаганича юганини силтаб полвон қўлидан чиқиб кетишига оз қолди. Ақлли жонивор юлдузни кўзлар, осмонга сапчиб тўдага ошиқарди. Бундан полвоннинг руҳи-кайфияти кўтарилиб, дили равонлашди. Негаки, пойга олдидан ўйноқлаб-сакраб турган отнинг терламаслиги ва ҳориб-чарчамаслиги унга олдиндан маълум эди.

Шерали полвон арғумоғининг ёлини силаб-сийпаб, сағрини ва баданларини қашир экан, эгар-жабдуқларини бир-бир кўздан ўтказди. Айил ва пуштасини қисиб маҳкамлаётганида от осмонга сапчиди, лекин полвоннинг қўлидан чиқиб кета олмади. Буни бир чеккада кузатиб турган Жуманбой ҳайратланиб, полвонга ишончи орта бошлади.

Теварак-атрофда отлар галагала бўлиб юришар, тумшуқларидан буғ буруқсирди. Ғайрат камарини белига маҳкам боғлаган полвон "Парвардигор, ўзинг қўлла", деб оёғини узангига қўйиши биланоқ, арғумоқ сапчиб тўдага ўзини урмоқчи бўлди. Лекин Шерали полвон уни совутиб, қорнининг тортилиши учун сайхонлик бўйлаб айлантира бошлади. Пойга олдидан бўладиган бундай қисқа машқларда от синалиб чиниқади, чавандоз унга мослашади. От билан чавандознинг мос тушгани эса катта омаддир.

Одатда, тенгсиз курашлар остида ўтадиган пойгалар отнинг ҳам, чавандознинг ҳам чаққон ва абжирлигини талаб қилади. Шак-шубҳасиз, бундай пайтда отларнинг тўқнашувлари юзага келмай иложи йўқ. Энг муҳими, от қамалиб қолмай тўдадан чиқа олса, маррани эгаллашига йўл очилади. Солимнинг қўлга киритилиши полвоннинг кучигагина эмас, балки ақл билан иш тутиши, синчковлигига ҳам боғлиқлигини Шерали полвон яхши билади. Қисқаси, пойга баҳсларида чавандознинг чопқири-ю, отнинг тақими маҳками керак.

Чортоқдан улоқ ташлангач, сайҳонликни уч юз чоғли от туёқларининг дупур-дупури ва пишқириғи, томошабинларнинг қий-чуви ва чапаклари тутиб кетди. Улар орасида юлдузни кўзловчи, отларнинг пеши, донғи чиққан буйрул, қизил жийрон, бойқўнғир, қамишқулоқ, оқ қоптол каби зотдор отлар ҳам бор эди. Отларнинг бир хиллари энгашганда ёли ерга тегар, думи чувалиб юрарди. Ҳар ер-ҳар ерда дирдов ва қирчанғи отлар ҳам кўзга ташланиб қоларди.

Шерали полвон кечга қадар арғумоғини бошқасига алмаштириб, маррага улоқни уч-тўрт маротаба олиб бориб совриннинг катталарини ҳам қўлга киритди. Албатта, бу тинимсиз машқлар маҳсули эди.

– Ҳалол, ҳалол, – деди Жуманбой шунда унга тан бериб. – Ҳалиям чилимбош экан, агар бутун бош бўлганида Самарқандда ҳам унга тенг келадигани бўлмас экан.


РАҚИБЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

Илиқ куз кунларининг бирида Еттисойда Абдушукурбой элга тўй қилиб,улоқ-кўпкари берадиган бўлди. Берими ҳам катта эди. Овул аҳолиси тепаликдаги беткайга чиқиб олишган. Бир четда қозоқ бахшиси дўмбира чертиб, одамлар кўнглини овлайди.

Пойга бошлангач, ўртакаш радиокарнай орқали:

– Ярим йўлда ушлашма, меҳнатини зое кетказма, – дея чавандозларни огоҳлантира бошлади. – Маррага етай деганда улоқни тортиб олиб қўйилса бу – бекор, ғиром ўйин ҳисобланади.

Шерали полвоннинг ишонган шогирдларидан бири Шертой минган қорабайир жилови соз бўлиб, эгасини яхши тушунади. Қаердан чиқиб, қаерга боришни, жонивор яхши билар, тепмас ва тишламасди. Узангига оёғини қўйиб "чуҳ жонивор, маҳоратингни бир кўрсат" дейиши биланоқ арғумоғи қуюндай учиб олдинга илгарилади. Шунда Шертой юқори тезлик эпкини остида улоқни ердан энкайиб олиб қўяди. Улоқ қассоблар ҳисобида олти пуддан кам эмасди. Кейин эса полвон қамчи дастасини тишлаганича мара сари йўл олди. Унга қамчи уриш увол. Баъзан от ҳам полвонга улоқ чопишнинг айрим тартиб-қоида ва нозик ҳолатларини ўргатиб қўяркан. Шу сабабли курашлар остида ўтаётган пойгада унинг арғумоғи мураккаб ва чигал вазиятларда ҳам тўдадан чиқиб кета олди.



ОРИЯТИ БАЛАНД ОТАХОН

Вақт ўтиши билан Шерали полвон улоқ-кўпкари чопиш навбатини фарзанди ва шогирдларига топширди. Лекин у пойга ва турли мусобақаларда иштирок этиб, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатишдан чарчамасди.

Наврўз байрами тантаналарининг охирида Ғаллаорол туманининг Аламли қишлоғида улоқ-кўпкари пойгаси бўлиб, барча қир-адирларга кўчиб чиқишди. Отлар кишнаши ва пишқириғи ҳамда туёқларининг зарб билан дупурлаши бир дам тинмасди.

Карнай-сурнай ва ноғора садолари остида чавандозлар майдонга тўпланишганида шовқин-сурон, қийқириқ ҳамда томошабинлар чапаги тутиб кетди. Улар "ҳайда, ҳайда" дея қичқиришарди. Пойганинг бошидаёқ полвоннинг тўнғич ўғли Бунёднинг улоқ чопиши қовушавермади. Афтидан унинг рақибларидан ожиз ва кучсизлиги сезилиб турарди. Ота ҳам ўғлидан қониқмай безовталаниб ўтирарди. Четдан аллаким Бунёдга шама қилиб "Онаси қизил гуллан, қавм-қариндошлари кимдан?" дея тегажоғлик қилди. Шунда Шерали полвон орияти кучлилигидан ўрнидан туриб кетади ва отлар тўдасига яқинлаша бошлайди. Шогирдлари полвонни аяшиб бунга йўл беришмаса-да, ўғлидан қорабайирни олгач "Парвардигор, ўзинг қўлла", дея от узангисига оёғини қўяди. Унинг кўнгли осмон қадар кўтарилиб, уловининг тизгинини тўда ичига бурди. Улоқ чопишга ҳали шашти баланд эканми ёки чавандозлар отахонни аядими, ишқилиб улоқ олиш навбати унга ҳам насиб этди. Шунда Шерали полвон номига олқишлар ёғилиб кетди.

Мана, беш йилдирки, Ғаллаорол туманидаги "Аббос-Али" кичик фермер хўжалиги бошлиғи Шерали полвон Аббосов халқимиз учун севимли бўлган миллий спорт ўйини- кўпкарининг янада ривожлантиришга бош-қош бўлиб келмоқда. У вақти-вақти билан Коризкудуқ, Солин, Кўкбулоқ ва Аламли қишлоқларида бўлиб, чавандозлар билан учрашиб туради. Уларнинг шарт-шароитлари билан қизиқади, моддий жиҳатдан ва зарур техника воситалардан ёрдам қилиш ташвиши билан яшайди. Натижада кейинги уч йил ичида Шертой Пиримқулов, Бунёд ва Ойбек Аббосов, Анвар Жўрабоев сингари эпчил, чаққон ва ҳар томонлама чиниққан чавандозлар етишиб чиқди. Коризкудуқлик Шертой Пиримқулов вилоят биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда қаторасига уч йил ғолиб деб топилиб, республикада ҳам совриндор бўлди. "Матиз" русумли автомашина ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди. Бунёд Аббосов эса республика улоқ-кўпкари федерациясининг медалларини қўлга киритди.

Ижтимоий ҳимоя йилида фермер Шерали Аббосовнинг хайрли ишлари янада кенг қулоч ёзди. У вилоят сил касалликларини даволаш болалар санаториясига рангли телевизор, гилам ва туман марказидаги поликлиника бўлимига магнитафон, гилам совға қилди. Аламли маҳалласида яшовчи 12 нафар кам таъминланган оила, ногиронлар, боқувчисидан ажралган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор қаратмоқда. Уларнинг ҳар бирига юз минг сўмдан ёрдам пули ва 500 килограмдан буғдой тарқатилди.

Хулоса қилиб айтганда, орияти баланд отахон умр мазмунини савоб ишларда, элга хизматда, мардликда, ҳалолликда деб билади. Шунинг учун йил сайин Шерали полвоннинг шуҳратига шуҳрат қўшилмоқда.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Студенческие волнения утихли

В шести городах Бангладеш, которые были охвачены студенческими волнениями, после введения там комендантского часа обстановка постепенно нормализуется, передает Интерфакс. Комендантский час пока не отменен. Беспорядки начались после того, как в студенческом городке в столице страны военнослужащие избили нескольких студентов. Учащиеся вузов призвали власти наказать виновных и собрали митинг, который полиция разогнала силой.



Новое видео похищенного

Боевики движения «Талибан» показали новое видеообращение похищенного более месяца назад в Афганистане немецкого инженера. На видеоролике 62-летний Рудольф Блехшмидт призывает немецкое правительство освободить его из плена, сообщает Reuters. Рудольф Блехшмидт говорит, что его держат в горах в ужасных условиях. Заложник явно болен, согласно видеозаписи, говорит он с трудом.



«Дин» больше не ураган

Ураган «Дин» снизил интенсивность и превратился в тропический шторм после того, как вышел из акватории Мексиканского залива на сушу в районе штата Веракрус. В прибрежных штатах еще оценивают размеры ущерба, причиненного стихией. Власти надеются, что масштабные мероприятия сил гражданской обороны позволили обойтись без человеческих жертв. По уточненным данным, до этого ураган унес жизни 20 человек в островных государствах Карибского бассейна.



Грозят глобальные эпидемии

Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) в ежегодном докладе предупредила, что инфекционные болезни в мире распространяются быстрее, чем когда-либо, что может привести к возникновению глобальных эпидемий, сообщает Интерфакс, ссылаясь на Би-би-си. За последние три десятка лет зафиксировано 39 новых заболеваний.



Изъято 5 тонн кокаина

Самолет пограничной и таможенной службы штата Флорида обнаружил и осуществил перехват лодки контрабандистов, которая следовала к берегам США с пятью тоннами кокаина на борту, передало FoxNews. Оценочная стоимость 11 мешков наркотического вещества, изъятого у злоумышленников, составляет порядка 352 миллионов долларов. О стране происхождения кокаина не сообщается.



Скейтборд – олимпийский

Скейтборду – популярному «неофициальному» виду спорта – может быть присвоен статус олимпийского на Играх-2012 в Лондоне. Организаторы лондонской Олимпиады и лидеры Международного олимпийского комитета (МОК) уверены, что включение этого «уличного» спорта в программу сделает всемирный праздник спорта более привлекательным для подростков, молодежи, передает ИТАР–ТАСС.



Ужесточение наказания за допинг

На 46-м Конгрессе Международной ассоциации легкоатлетических федераций (IAAF) в Осаке члены высшего руководящего органа IAAF призвали увеличить наказание за употребление допинга до четырех лет, сообщает Eurosport. Об этом говорится в резолюции, принятой в заключительный день работы 46-го конгресса IAAF в Осаке, информирует официальный сайт федерации. Как ожидается, новый антидопинговый кодекс будет принят в ноябре нынешнего года на конференции в Мадриде.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

КУЧ ВА БИЛИМ УЙҒУНЛИГИ

Қуролли Кучларимиз таркибидаги ҳарбий қисмларда аскарларнинг жанговар тайёргарлиги, ақлий салоҳияти ва саломатлиги билан бир қаторда уларнинг жисмоний тайёргарлигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.



Мотоўқчилар ҳарбий қисмида ҳам жисмоний тайёргарлик машғулотлари қониқарли даражада ташкиллаштирилган. Замон талабларига мос, кенг ва ёруғ спорт зали, барча қулайликларга эга спорт шаҳарчаси ҳамда спорт тренажёрлари посбонлар ихтиёрида.

Биз ҳарбий қисм тренажёр залига кирганимизда гуруҳ командирининг ўринбосари кичик сержант Шуҳрат Собиров посбонлар билан жисмоний тайёргарлик машғулотини олиб бораётган экан.

– Аскарларда спортга қизиқиш жуда катта, – дейди кичик командир. – Уларнинг кўпчилиги хизматга қадар спортнинг қайсидир тури билан шуғулланиб келган. Бу бизга жисмоний тайёргарлик машғулотини юқори савияда ўтказишимизда анча асқотмоқда.

Ҳа, мана шундай посбонлардан бири оддий аскар Орзу Холиқовдир. У Самарқанд шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган. Хизматга қадар Самарқанд автомобиль йўллар касб-ҳунар коллежида ўқиган. Олти ёшидан бошлаб, спортнинг қўл жанги тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бир неча бор вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб келган.

– Спортга меҳр қўйишимда, – дейди у, – тоғам Тоҳир Ибрагимовнинг хизматлари жуда катта. Қўл жанги бўйича ҳам биринчи устозим айнан тоғам бўлади. Армияга келгунимга қадар Самарқанд шаҳар қўл жанги федерацияси бўлимида ёшларга ушбу спорт тури бўйича мураббийлик қилдим ҳамда ўз устимда тинимсиз ишлаб, маҳоратимни ошириб бордим. Хизмат мобайнида спорт билан шуғулланиш учун яратилган барча шароитлар менга жуда манзур бўлди.

– Оддий аскар Холиқов ҳайдовчи вазифасида хизмат қилади, – дейди гуруҳ командири офицер Сарвар Юлдошев. – У ўзига ишониб топширилган техникани кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, қўйилган топшириқларни вақтида бажаради. Техниканинг сир-асрорларини чуқур эгаллаган, таъмирлаш ишларини ҳам ўзи бажариб кетаверади. Унинг машинаси ҳамиша жанговар шай ҳолатда бўлади.

Намунали хизмати туфайли оддий аскарга қисм командири томонидан таътил берилди. Хурсандчилигининг чеки йўқ посбон қадрдон шаҳри томон борар экан, яқинларига, ўртоқларига хизмати ҳақида гапириб беришга ошиқарди. Ҳа, таътил ҳам ўтди. Таътилда маза қилиб дам олган посбон ўз вазифасига янги куч-ғайрат билан киришди. Ёзги мавсум ўқув машғулотларида илғорлар сафидан жой олиш унинг мақсади. Шунинг учун барча машғулотларда жонбозлик кўрсатиб, сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Айниқса, жисмоний тайёргарлик машғулотлари жараёнида оддий аскар О.Холиқов командирнинг энг яқин ёрдамчисидир. Унинг эзгу нияти – ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтиб, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кириш.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ЮКСАКЛИКНИ КЎЗЛАГАН ЕТУК САРДОР

Айни дамда Қуролли Кучларимизда спортга катта эътибор берилаётгани кўпчилигимизга маълум. Чунки юрт посбонларининг жанговар қобилиятларини оширишда спортнинг ўзига хос ўрни бор. Бугун миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган посбонларнинг нафақат касбий маҳоратини ошириш учун, балки уларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш мақсадида ҳарбий қисм ва бўлинмаларда барча шароитлар яратилган. Айни дамда қайси ҳарбий қисмга ташриф буюрманг, у ерда посбонларнинг жисмоний машғулотларни тўла-тўкис олиб бориб, чиниқишлари учун спорт шаҳарчаси, замонавий тренажёрларга эга бўлган спорт зали ҳамда бошқа спорт турларини йўлга қўйиш учун яратилган шарт-шароитларни кўришингиз мумкин.

Офицер Илҳом Мамажонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам спорт ишларига ниҳоятда катта эътибор берилади. Шу боис бу ерда спортга алоҳида меҳр қўйиб, бу борада юксак чўққиларни забт этаётган алпкелбатли йигитларни кўплаб учратиш мумкин. Мана шундайлардан бири катта лейтенант Шуҳрат Ҳақбердиев бўлади. Самарқанд вилояти Ургут туманининг Манғитобод қишлоғида ўсиб улғайган ўғлон ёшлигидан Шарқ яккакураши спорт турларига қизиқди. У мактабда ўқиб юрган пайтлари дарсдан бўшаши билан спорт клубларига қатнаб, кикбоксинг, муайтай ва қўл жанги бўйича спорт сирларини ўрганиб, маҳоратини ошириб борди. Ўша пайтлари Шуҳрат ёш бўлишига қарамасдан вилоят миқёсидаги кўплаб мусобақаларда иштирок этиш баробарида тажрибасини орттириб борарди. Мамлакатимизда бокс бўйича Андижон мактабининг нуфузи анча баланд бўлса, Шарқ яккакураши спорт турлари бўйича Самарқанд мактабининг алоҳида ўрни бор. Кўплаб жаҳон чемпионлари етишиб чиққан ушбу мактабнинг сабоғини олган йигит ўз имкониятларини намоён қила олди, дея бемалол таъкидлашимиз мумкин. У Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқиб юрган кезлари, яъни 1998 йил пойтахтда ташкиллаштирилган муайтай бўйича халқаро мусобақада маваффақиятли иштирок этди. Ўнга яқин давлат спортчилари қатнашган мазкур баҳсларда Шуҳрат муросасиз баҳс олиб бориб, ўз вазни тоифасида иккинчи ўринни қўлга киритди. 2002 йил Чирчиқ шаҳрида муайтай бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада у учинчи ўрин билан кифояланди. Жорий йил июнь ойида округ миқёсида қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақада 75 килограмм вазнда иштирок этган катта лейтенант Ҳақбердиев биринчи ўринга сазовор бўлиб, навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритди.

Шуҳрат қўл жанги сирларини қўл остидагиларга ҳам ўргатиб келади. Айниқса, дастлабки сабоқларни ўрганган шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Фаррух Беҳбудов, Хуршид Султонов, оддий аскарлар Шерзод Мирзаев, Бахтиёр Ҳайитовлар ушбу спорт турларига янада қизиқиб қолишди.

– Қўлимдан келганча ушбу спорт тури бўйича посбонларга сабоқ беришга ҳаракат қиламан, – дейди офицер Шуҳрат Ҳақбердиев. – Қизиқувчилар кўплиги боис, ҳатто дам олиш кунлари мусобақалар ҳам ташкиллаштириб турамиз. Бундай беллашувларда маҳоратини оширган йигитларимиз йирик мусобақаларда ҳам муваффақиятга эришмоқдалар.

Ҳасан КОМИЛОВ.

Участники IV Всемирных военных игр

«Я ГОРЖУСЬ МАМОЙ!»

Участницу двух Олимпийских игр и чемпионатов мира, победительницу ряда международных турниров, неоднократного призера Азиатских игр и республиканских соревнований по легкой атлетике мастера спорта международного класса младшего сержанта Людмилу Дмитриади даже в предвыходные и выходные дни трудно было застать дома. Оно и понятно, ведь спортсменка в эти дни усиленно готовится к главным стартам нынешнего года – IV Всемирным военным играм в Хайдарабаде, поэтому тренировки и отдых идут строго по расписанию. Так получилось, что сначала я смог встретиться с дочкой армейской атлетки Дианой, учащейся 3-го курса Ташкентского колледжа менеджмента и технологий. Кстати, в свое время она подавала большие надежды в спорте, уже в 12–13-летнем возрасте побеждала на республиканских юношеских соревнованиях по прыжкам в длину, беге на 100, 200 и 400 м. Но, к сожалению, из-за серьезной травмы коленного сустава врачи Диане навсегда запретили заниматься легкой атлетикой, она продолжает заниматься спортом, но уже для себя.

– Это очень тяжело, когда только познал «вкус победы» на соревнованиях, когда чувствуешь прилив сил и знаешь, что тебя ждет большое спортивное будущее, и вдруг – полный запрет на тренировки и спорт, – говорит печальным голосом Диана Дмитриади. – Уже прошло около трех лет, как я получила ту злосчастную травму, которая поставила точку на моей спортивной карьере. Но я до сих пор не могу с этим смириться... Зато моя мама и за себя и за меня побеждает на различных крупных международных соревнованиях. Я горжусь своей мамой! И уверена, что на предстоящих IV Всемирных военных играх мама еще раз докажет, что она – одна из сильнейших спортсменок в мире.

Позже нам удалось встретиться с мастером спорта международного класса младшим сержантом Людмилой Дмитриади, которая заверила, что к соревнованиям в Хайдарабаде придет в пике своей спортивной формы. Ярким тому свидетельством является ее убедительная победа на недавнем Международном турнире в Алматы (Казахстан) в эстафете 4х100 м и «серебро» на дистанции 200 м.

Людмила Дмитриади в беседе с нами призналась, что настроена только на победу. Это говорит о том, что на предстоящих IV Всемирных военных играх в копилку нашей сборной команды армейской атлеткой будут завоеваны медали на дистанциях 100 м, 200 м и в эстафете 4х100 м. И хочется надеяться, что все завоеванные медали будут высшей пробы.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.



ЗА ВЫСОКОЕ СПОРТИВНОЕ МАСТЕРСТВО

С каждым годом растет мастерство армейских спортсменов. Все весомей становятся их победы на международных спортивных аренах. Накануне 16-й годовщины независимости в торжественной обстановке еще одна группа армейских спортсменов была награждена Памятным знаком министра обороны.

В числе награжденных за проявленное высокое профессиональное мастерство, волю к победе спортсменка команды МХСК младший сержант Л. Дмитриади, занявшая 1-е место в эстафетном беге на Международном турнире по легкой атлетике, проходившем с 7 по 13 июня 2007 года в Алматы (Казахстан). Министром обороны также поощрены армейские спортсмены О. Журавлев, О. Норматов, занявшие на этих состязаниях 1-е место в беге на 100 и 200 метров, спортсменки А.Быстрыгова и А. Сидорова.

Особо был отмечен весомый вклад армейских спортсменов в успех сборной Узбекистана, занявшей 1-е место в общекомандном зачете на чемпионате Азии по боксу, проходившем с 4 по 12 июня 2007 года в Улан-Баторе (Монголия). Памятным знаком министра обороны награждены чемпионы континента Э. Расулов и А. Атоев, завоевавшие серебряные медали О.Шайимов и рядовой по контракту Б. Хидиров, а также бронзовый призер Ж. Матчанов.

В ходе церемонии награждения был особо отмечен успех майора Х. Зайнилова, старшего корреспондента газеты «Ватанпарвар», который в упорной борьбе завоевал бронзовые медали в весовой категории до 70 кг (правая и левая рука) на открытом чемпионате Азии по армрестлингу среди мастеров. Успех военного журналиста является примером для молодых военнослужащих, только начинающих военную карьеру, им есть на кого равняться.

Среди награжденных и сержант А. Кучмурадов, обеспечивший качественную организацию тренировочного процесса и создание условий для подготовки спортсменов.

Все награжденные поблагодарили командование за огромную заботу о развитии спорта в республике. Посвятив свои победы 16-летию независимости, они заверили, что и в дальнейшем будут высоко нести знамя армейского спорта.

Владимир НИКОЛАЕВ.

Рукопашный бой

ГОТОВЯТСЯ К ПЕРВЕНСТВУ

Сентябрь обещает быть богатым на события в мире боевых искусств. В первом месяце осени ожидается ряд как международных, так и республиканских соревнований. В частности, с 8 по 11 сентября в городе Навои состоится открытое первенство Узбекистана по рукопашному бою среди юниоров 16 –18 лет и старше. В данное время идет активная подготовка к проведению этого мероприятия. В состязаниях планируется участие спортсменов и из соседних республик.

Каратэ-до

ЕСТЬ НАДЕЖДА НА МЕДАЛИ

Сборная нашей страны по шотокан каратэ-до вылетела в Японию для участия в чемпионате мира по версии WSKF. Соревнования будут проходить с 24 по 26 августа. Естественно, этому предшествовали учебно-тренировочные сборы. Перед полетом нам удалось узнать у генерального секретаря Федерации шотокан каратэ-до республики и руководителя сборной Нурмухаммеда Иминова об общем настрое команды.

– В целом, как показывают результаты подготовительного периода, мы можем надеяться на несколько золотых медалей. Ребята настроены только на высокие результаты, – говорит он.

Кикбоксинг

СТАЛИ ИЗВЕСТНЫ ИМЕНА ЧЕМПИОНОВ

Одним из знаменательных событий минувшей недели стал чемпионат Узбекистана по кикбоксингу среди профессионалов, который прошел в городе Шахрисабзе. Соревнования были посвящены памяти Неъмата Исмаилова, мецената спорта, общественного деятеля. Чемпионат проводился по шести весовым категориям: 60 кг, 63,5 кг, 67 кг, 69 кг, 71 кг, 75 кг. Инициатором выступил Аскарали Ибодов, который является президентом федерации кикбоксинга Кашкадарьинской области.

– Смело могу сказать, что уровень проведения чемпионата превысил все наши ожидания. Шестеро спортсменов завоевали чемпионские пояса среди профессионалов. Теперь, если выявятся претенденты, будут проводиться поединки за звание чемпиона Узбекистана среди профессионалов. Это, конечно же, будет способствовать росту интереса к кикбоксингу и его популяризации, – говорит А.Ибодов.

Победителями стали: в весовой категории 60 кг – Одил Норматов (Кашкадарья), Бахтиер Норов (63,5 кг, Ташкент), Мухаммадали Ташгургунов (67 кг, Ташкентская область), Озод Ибодов (69 кг, Кашкадарья), Дилшод Садыков (71 кг, Сырдарья), Алишер Абдуллаев (75 кг, Сырдарья).

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.


Атлетический клуб будущего воина

МОЩНЫЕ ПЛЕЧИ – «ВИЗИТКА» АТЛЕТА

(боковой подъем)

Боковой подъем с гантелями создает нагрузку на внешние или боковые головки дельтовидных мышц.

Выполнение бокового подъема. Встаньте прямо, держа по гантеле в каждой руке. Локти слегка согнуты. Одновременно разводя руки в стороны, поднимайте гантели, пока они не окажутся на высоте плеч. Контролируя движения, опустите руки с гантелями в исходное положение. Если ваши локти и запястья всегда будут немного согнуты, это упражнение сможет значительно активнее влиять на боковые головки дельтовидных мышц. Когда вы поднимаете гантели, поворачивайте выше руки так, чтобы в точке максимального подъема мизинец оказался выше большого пальца. При опускании гантелей сделайте обратный поворот.



СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Маълумки, ҳамюртимиз – ФИФА рефериси Равшан Эрматов халқаро миқёсида уюштириладиган футбол мусобақаларини ишончли ва муносиб бошқариб келмоқда.

Шу сабабли куни кеча Жанубий Кореяда ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида бошланган навбатдаги жаҳон чемпионатига ҳам Халқаро футбол федерацияси Равшан Эрматовни бош ҳакам сифатида таклиф этди. Яна бир вакилимиз, ФИФА рефери – ассистенти Абдуҳамид Расулов мусобақаларда унга ёрдам беради. Ўзбекистонлик ҳакамлар бригадасига қирғизистонлик ФИФА рефери – ассистенти Баҳодир Қўчқоров ҳам жалб этилган.

Жаҳон чемпионати ўйинларини қитъамиздан Юичи Нишимура (Япония) ва Мэттью Бриз (Австралия) лар ҳам бош ҳакам сифатида бошқаришади.

* * *

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) мутахассислари футбол бўйича дунёдаги энг кучли миллий чемпионатларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Халқаро ташкилот мутасаддилари Ўзбекистонда футбол жадал ривожланаётганини эътироф этган ҳолда, миллий чемпионатимиз олий лигасини дунё бўйича 39-поғонага муносиб топди. Ўзбекистон чемпионати аввалги рейтингда эллигинчи ўринда қайд этилган эди.

Бу кўрсаткичга кўра, мамлакатимизнинг футбол бўйича энг асосий мусобақаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари орасида Россия (25-ўрин) ва Украина (32-ўрин) чемпионатларидан сўнг учинчи ўринда бормоқда.

* * *

Сингапурда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон шахмат олимпиадаси якунланди.

Ўзбекистон терма жамоаси умумий ҳисобда 24,5 очко жамғариб, фахрли тўртинчи ўринни эгаллади.

Жаҳон шахмат олимпиадаси 28 очко жамғарган Ҳиндистон терма жамоаси ғалабаси билан якунланди. Иккинчи ўрин чемпиондан ярим очко ортда қолган венгрияликларга насиб этган бўлса, ҳамюртларимиздан атиги бир очкога ўзган Филиппин терма жамоаси кучли учликда қайд этилди.

* * *

Победой узбекских боксеров завершились титульные поединки по профессиональному боксу, прошедшие в Узбекистане. По завершении 12-раундного поединка звание чемпиона Азии пасифик по версии WBO уже в четвертый раз отстоял наш соотечественник Кувончбек Тойгонбаев. В нелегком поединке он одолел представителя Грузии Звади Пурцхванидзе. Алишер Рахимов был сильнее Джефри Муника из Кении и завоевал титул интерконтинентального чемпиона мира по версии IBF.

* * *

Москвада Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган халқаро теннис турнирида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган ракетка усталари қаторида ҳамюртимиз Влада Екшибарова ҳам голиблик учун синашмоқда.

Ёш теннисчимиз беллашувларни саралаш турниридан бошлади. Влада Екшибарова асосий турга йўлланма олиш учун ўтказилаётган мусобақанинг дастлабки баҳсида украиналик Оксана Теплякковага қарши кортга чиқди.

Ўйиннинг биринчи сетида 6:3 ҳисобида зафар қучган ҳамюртимиз кейингисида 4:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Бироқ ҳал қилувчи – учинчи сетда ишончли ўйин кўрсатган Влада рақибасидан 6:1 ҳисобида устун келди ва навбатдаги босқичга йўлланма олди.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Мустақиллик – тақдиримда



– Мустақиллик биз ёшларга жуда кўплаб имкониятлар яратди. Мен шуни фахр билан айтишим мумкинки, миллий армиямиз сафида ўзимнинг конституциявий бурчимни ўтаб, ҳур диёримиз осойишталигига оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшдим. Муддатли хизматни аъло даражада ўтаганлигим боис қисм қўмондонлиги томонидан тавсияномага эга бўлдим. Олий ўқув юртларига киришда умумий тўпланиши мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл имкониятини берадиган ушбу тавсиянома институтга киришимда муҳим роль ўйнади. Тўғри, тўлов-контракт асосида талабалик бахтига муяссар бўлдим. Лекин мен каби ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларга берилаётган имтиёзлар боис шартнома пулини тўлашда у қадар қийинчиликка рўбарў келмадим. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоси бўлиб, тадбирларда фаол иштирок этганлигим туфайли шартнома пулининг ўттиз беш фоизи мазкур ташкилот томонидан қопланди. Шуни таъкидлаш керакки, барча жойда бўлгани каби бизнинг институтда ҳам ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитларга жуда катта эътибор қаратишади.

Ҳукуматимиз томонидан бизга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ишончдан ниҳоятда хурсандман. Келажакда ўзим танлаган касбнинг етук мутахассиси бўлиб, юрт равнақи йўлида муносиб ҳиссамни қўшиш орқали бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан. Шу улуғ Ватан фарзанди сифатида бундай туйғу айни пайтда юртнинг ҳар бир фарзанди қалбида туғён уриши шубҳасиз.

Азизбек АЗИЗОВ,
Тошкент автомобиль йўллар институти талабаси.

Истиқлолим – истиқболим

ЮРТ ЭРТАСИ, МИЛЛАТ ИШОНЧИ

Ёшлик бу – орзу, бу – ишонч, бу – жасоратга интилиш, бу – рангин хаёлот, бу – эртанги кунга чамаланган тенгсиз режалар, келгусининг бошланиши бу, деган эди шоир.

Ўзбекистон ўз истиқлолининг 16 йиллигини катта шодиёна ила нишонлаш арафасида. Бу йиллар халқимизнинг минг-минг йиллик тарихий орзуларининг рўёби, энг муҳими, миллий ғурурни англаш, мустақил давлат сифатида ўзини бутун дунёга танитиш йиллари бўлди.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мустақиллигимиз, ислоҳотларимизнинг бош шиори экан, уни ҳаётга жорий этишда, халқимизнинг олиб бораётган яратувчанлик ишларида, айниқса, ёшлар жавлон уриб, меҳнат қилишлари керак.

Ёшлар – миллат ишончи, юрт эртаси, келажак эгалари. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиб, бу ишнинг сифатига катта эътибор қаратилмоқда.

Замон талабига жавоб берадиган илмли мутахассислар тайёрлаш учун барча имкониятлар муҳайё қилинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Билимдон, ўз салоҳияти ва фикрига таяниб, мустақил фикрлайдиган ёшларимиз эртанги кунворисларимиз ҳисобланади. Бугунги ёшларимиз ҳар томонлама баркамол, зукко, доно бўлишга интилиб, Ватанимиз буюклигини исботламоқдалар. Улар нафақат илму фан соҳасида, балки санъат, спорт, қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида ҳам фаол иштирок этиб, унинг ривожланишига улкан ҳисса қўшмоқдалар. Бундай ёшлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Барчамиз учун энг азиз, энг улуғ байрамимиз бўлмиш, Мустақиллик айёми олдидан бир қатор иқтидорли ёшларимизнинг дил сўзларини тинглашга қарор қилдик.

Курсант Фаррух ЭРКИНОВ (21 ёшда): – Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биз ёшларга кенг имкониятлар эшиги очилди. Мен ҳам энг катта орзуимга етиб, Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбни танладим. Ўз юртингда хизмат қилиб, халқинг дуосини олишга нима етсин.

Дилшода ҲАМДАМОВА (талаба, 21 ёшда): – Мустақил, тинчлик ҳукм сураётган озод ва обод юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Илк ниятим амалга ошиб, олий ўқув юрти талабаси бўлганим, бу ерда ўз она тилимда сабоқ олаётганим, биз ёшларга барча шароитларнинг яратилганлиги мен учун улкан имкониятдир.

Оддий аскар Бобомурод ВОҲОБОВ (22 ёшда): – Ҳурлик қуёши порлаётган диёрнинг ҳимоячиси, аскари бўлиш мен учун катта шараф ва ифтихордир. Истиқлол туфайли ўзимизнинг миллий армиямизга эга бўлдик. Ўз Ватанимизда, ота-онамиз олдида хизмат қилиб, халқимизнинг тинч, осуда ҳаёт кечириши йўлида тенгдошларим қатори мен ҳам ҳисса қўшаётганимдан ғурурланаман.

Кичик сержант Бобур АТАМИРЗАЕВ (23 ёшда): – Мустақиллик фуқароларимизнинг армияга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартирди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимизда ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар биз Ватан ҳимоячиларига янада куч-ғайрат, шижоат бағишлаб, юртнинг муносиб фарзанди бўлишга ундайди.

Ёшларимизнинг фикрларидан хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, мустақиллик – озод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини теран англаши учун чексиз ва буюк имкониятдир. Зеро, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, «Ёш авлодга эътибор – келажакка эътибор».

Аҳрор НОЗИМОВ.

Иқтидорли ёшлар

МЕН ШУ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДИМАН

Бундан роппа-роса 16 йил муқаддам туғилган чақалоқ бугун камолга етди, улғайиб кучга тўлди. Истиқлолга тенгдош бу ёшлар айни пайтда Ўзбекистон фуқаролик паспортини қўлга киритишаяпти. Ҳа, балоғатга етган онгли ҳар бир фуқаро миллатидан қатъи назар, асосий қонунларимизда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш баробарида унга яраша фуқаролик масъулиятини ҳам ҳис этиши керак. Агарда мамлакатимиз фуқароларида фуқаролик масъулияти кучли бўлса, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонимиз ривожланиб, унинг мустақиллиги янада мустаҳкамланаверади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган йил пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Ортиқовлар хонадонида чақалоқ дунёга келди. Истиқлолга тенгдош болакайга оила бошлиғи Нодир ака Комронбек дея исм қўйди. Ёшлигидан анча зийрак ва қизиқувчан Комрон ўзининг тиришқоқлиги билан ўртоқлари ичида ажралиб турарди. Айниқса, унда тил ўрганишга бўлган қизиқиш ниҳоятда кучли эди. Шу боис уни ота-онаси хитой тилига ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига олиб боришди.

– Айни пайтда пойтахтдаги 59-умумтаълим мактабининг 11-синфида ўқиш баробарида Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги «Конфуция институти»да ҳам таълим олиб келмоқдаман, – дейди Комронбек Ортиқов. – Бугун мамлакатимизда биз ёшларга жуда кўплаб имкониятлар яратилган. Буларнинг бари келажакда бизнинг етук мутахассис бўлишимизга қаратилгандир. Айни пайтда биз бундан унумли фойдаланишимиз керак. 2007 йил менинг ҳаётимда туб ўзгаришлар даври бўлди, десам хато қилмаган бўламан. Аввало, 16 ёшга тўлганлигим муносабати билан Ўзбекистон фуқаролик паспортига эга бўлган бўлсам, йирик бир танловда иштирок этиб, фахрли ўринни қўлга киритишим мен учун янги-янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Ҳа, истиқлолга тенгдош, орзулари улкан бу йигитнинг ҳаётида жорий йил унутилмас кунларга бой бўлди. У мамлакатимиздаги Хитой элчихонаси томонидан республика миқёсида ўтказилган «Hanyugiao» («Хитой тили кўприги») танловида қатнашиб, иккинчи ўринни қўлга киритди. Шундан сўнг у ХХРнинг Ланьчжоу университетида ўтказилган бир ойлик тил ўрганиш курсларида ўқиб, ушбу олий даргоҳнинг дипломини олишга муяссар бўлди.

– Мен Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланаман, – дейди Комронбек. – Ланьчжоу университетида ўқиб юрган кезларимда ҳам мамлакатим номини ғурур билан тилга олардим. Шу мамлакатда ўқиб ўрганиб, камол топаяпман. Келажакдаги режаларим улкан. Дипломат бўлишни ўз олдимга мақсад қилганман. Насиб этса, ўзим орзу қилган касбнинг эгаси бўлгач, Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги йўлида фаолият юритиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз улушимни қўшсам, дейман. Бундай юксак маррани забт этиш учун эса бугун тинимсиз ўқиб изланишим керак. Ахир мамлакатимиз истиқболи биз ёшларнинг қўлида.

Комрон билан суҳбатлашар экансан, ундаги ички бир ғурур ва фидойиликни кузатиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Аслида ҳам миллатнинг асл фарзанди шундай уйғоқ қалб эгаси бўлиши керак. Бугун эса Комрон сингари юксак истеъдод эгаларини мамлакатимизда кўплаб учратишингиз мумкин.

Агнеш ҚУРБОНОВ,

Келажак овози

КЕНГАЙМОҚДА ЗУККОЛАР САФИ


Пифагор айтган экан: "Ернинг таянч нуқтасини кўрсатинг – мен уни кўтараман". Айни пайтда муболаға ва шу билан бирга ҳақ гап. Пифагордан буюк адибимиз Чўлпонга қайтамиз: "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир". Денгизнинг тўлқини бу – бизнингча ёшлар. Тараққиёт асри бўлган XXI асрда ёшлар айнан Пифагор сўраган таянч нуқтани топишга, Чўлпон бобомиз айтганидек тўлқин каби жўшиб изланишга ва янги ғояларни ўйлаб топишга, уларни амалга оширишга қодирлар.

Бизнингча, бу ишларни амалга оширишда йигит-қизларимизга "Келажак овози" кўрик-танлови ёрдам беради. Мана, танловда иштирок этиш учун ариза топширган ёшлар интиқлик билан кутган онлар ҳам етиб келди. Кексаларимиз айтганларидек,"ғалвирни сувдан кўтариш", фурсати етди. Мамлакатимиз бўйлаб жорий йилнинг 6-15 август кунлари "Келажак овози" кўрик-танловининг минтақавий саралаш босқичлари бўлиб ўтди. Маълумот ўрнида шуни келтириб ўтмоқчи эдик: "Келажак овози – 2007"да иштирок этмоқчи бўлган ёшлардан жойларда 32 мингдан ортиқ аризалар қабул қилинди.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак: 2005 йилда ушбу танловда 3 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 10 мингга етди. Бу йил "Тасвирий ва амалий санъат" йўналишида қарийб 8 минг, "Ахборот ва коммуникацион технологиялар" йўналишида 1,5 минг, "Рационализаторлик таклифлар ва техник лойиҳалар ва ишланмалар" йўналишида 1,5 минг, "Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа" йўналишида 2 минг, "Архитектура ва дизайн" йўналиши 2 минг, "Бадиий ижод ва публицистика" йўналишида 10 минг, "Спорт" йўналишида 7 мингта иқтидор эгалари ғолибликка даъвогарлик қилишмоқда. Ёшларнинг доимо ўзларига қулай ва қизиқарли бўлган жойга интилишларини ҳисобга олсак, ушбу танлов ростдан ҳам уларни қониқтираётганлиги ойдинлашади.

Рақамларнинг бундай ўсишига албатта, жорий йилдан эътиборан спорт номинациясининг қўшилганлиги ҳам сабаб бўлди, дейишимиз ўринли бўлар. Бундан ташқари эндиликда танлов ғолиблари мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилинадилар. Ғолиблар эса олдинги йилдагилардан 3 баробар кўпроқ бўлади, яъни 40 тадан 120 тага кўпаяди. Ҳар йили ёз ойларида улар махсус ташкил этиладиган ўқув оромгоҳларида иштирок этадилар, шу жумладан, ўз ихтироларини патентлаштириш имкониятига эга бўладилар ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази аъзосига айланишади. Энг асосийси, уларда ўзларига бўлган ишонч янада ортади.

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази матбуот хизмати.



Саҳифамизнинг бу галги соҳибжамол меҳмони – Дилором Ҳасановадир. У бўш вақтларида бадиий китоб мутолаа қилишни, мусиқа тинглашни ва очиқ ҳавода дўстлари билан сайр қилишни хуш кўради. Ҳаётдаги шиори – Интилганга толе ёр.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Орасталик аввало сизнинг ўзингизга керак. Инсон баданини биров учун тоза тутади, дейиш кулгили туйилади-а? Ҳа, тозалик, орасталик фақат сизга керак. Ўз хонангизни, алоҳида хонангиз бўлмаса, ўқув анжомларингиз қўйилган бурчакнинг, ётоғингизнинг аҳволи ҳам сизнинг нечоғлик орасталигингизни кўрсатади. Шу боис бу жойларни ҳар доим саришта қилинг. Зеро, биров кўриб сиз ҳақингизда ёмон фикрга бормасин.

«НИҲОЛ» ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТМОҚДА

Мана еттинчи йилдирки, мамлакатимизда санъат соҳасига дадил қадам қўйиб, ўз истеъдодини намойиш қилиб келаётган иқтидорли ёшларга Мустақиллик байрами арафасида "Ниҳол" мукофоти топшириб келинмоқда. Миллий санъатимизда ўз овози ва услубига эга иқтидорларни излаб топиш ва рағбатлантиришда Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган мазкур мукофотнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ёш санъат соҳибларининг ижодини асраб-авайлаш ва имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган "Ниҳол" мукофотига талабгорлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги боис ҳам унинг нуфузига нуфуз қўшилмоқда. Эътироф этиш керакки, ўтган давр давомида бундай юксак мукофотни қўлга киритган етмишдан ортиқ ёшлар бугун ўзбек санъати ривожи йўлида тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Айни дамда совриндорлар сафида бўлган Севара Назархон, Иззатилла Иброҳимов, Тоҳир Содиқов, Ҳулкар Абдуллаева каби хонандаларни нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам кўпчилик севиб тинглайди, уларнинг санъатидан завқ олишади.

Муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида "Ниҳол – 2007" мукофотининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбек санъатида ўз ўрни ва услубига эга бўлган бир қанча умидли ижодкорлар ушбу мукофот соҳибига айланди. Уч босқичда ўтказилган кўрик-танловда иштирокчилар санъатнинг анъанавий ижрочилик, бахшичилик, миллий рақс ҳамда эстрада йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Унга кўра бу йилги совриндорлар сафидан Женисбек Пиязов, Гулмира Чаварова, Муҳаббат Қурбонова, Фиёс Облоқулов, Сарвиноз Қурёзова, Фарҳод Қамбаров, Сарвиноз Аннақулова, Отабек Муталхўжаев, Лазизбек Қиличев, Улуғбек Раҳматуллаев, Дилшод Имомалиев, Мавжуда Алимова ҳамда Шароф Муқимовлар жой олди. Юксак мукофотни Ўзбекистон халқ артистлари, таниқли санъат намояндалари ва эл ардоғидаги бастакорлар қўлидан олган совриндорлар қувончига қувонч қўшилди.

– Ижодимнинг бундай юксак мукофотга муносиб топилиши мени ниҳоятда ҳаяжонлантириб юборди, – дейди "Ниҳол – 2007"ни қўлга киритган Отабек Муталхўжаев. – Ушбу мукофотни қўлга киритган хонандаларга ҳавас қилардим. Энди ўзим ҳам бундай эътиборга лойиқ топилганимдан хурсандман. Менга нисбатан билдирилган бу ишончни албатта оқлайман.

– Ижодим Президентимиз томонидан таъсис этилган бундай мукофот билан тақдирланганидан ҳаяжондаман, – дейди яна бир совриндор Мавжуда Алимова. – Бунинг учун ижодимни қадрлаган барча инсонларга катта раҳмат. Бундайин эътибор энди мени янги-янги қўшиқлар яратишга ундайди.



– Бу мукофот биз каби ёшларга туганмас илҳом ва куч-ғайрат бағишлайди, – дейди ёш эстрада хонандаси Улуғбек Раҳматуллаев. – Юртбошимизнинг ёш авлодга, истеъдодли йигит-қизларга кўрсатаётган ғамхўрликларининг самарасидир бу, албатта. Шундай экан, мукофотни қўлга киритган ижодкор унга муносиб бўлмоғи керак. Дўстларим қатори мен ҳам бундай эътирофни оқлаб, эл-юртга хизмат қилишни ўзимнинг энг олий бурчим, деб биламан.

Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, "Ниҳол" мукофоти ёшларнинг ижод майдонида самарали меҳнат қилишига, ўз иқтидори орқали ўзбек санъатини дунёга олиб чиқишига катта туртки бўлмоқда. Биз албатта ишонамизки, бу йигит-қизлар ўзларига билдирилган ишончни истеъдоди, маҳорати ва санъати билан оқлашади.

Комилжон ҲАСАНОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Время способствует раскрытию вашего творческого потенциала. Не забывайте об окружающих. Вероятны поездки разной степени длительности.

ТЕЛЕЦ

Любое дело будет удаваться, и практически любая мечта может осуществиться. У вас может появиться непреодолимое желание сменить круг общения. Велика вероятность появления близких по духу друзей.

БЛИЗНЕЦЫ

Эта неделя создана для отдыха. Не рассчитывайте на быстрое решение проблем. Могут быть успешны проекты, связанные с электроникой. Не лучшие дни для принятия серьезных решений.

РАК

Прекрасное время для карьерного роста и продуктивных начинаний, способствующих раскрытию творческого потенциала. Желательно не конфликтовать с начальством, а найти на разумный компромисс.

ЛЕВ

Любая ваша инициатива имеет весьма высокие шансы оказаться результативной. Возможно воплощение в реальность наиболее дерзких желаний. Можете рассчитывать на поддержку друзей.

ДЕВА

Желательно не начинать новые дела. Вы почувствуете, что необходимы начальству и сотрудникам по работе. Не поддавайтесь на лесть.

ВЕСЫ

На этой неделе Фортуна, скорее всего, улыбнется, и вы сможете открыть собственное дело. Стоит задуматься о предстоящем отпуске. Вас будут соблазнять заманчивым деловым предложением.

СКОРПИОН

Постарайтесь смирить свою гордыню и не отказывайтесь от предложенной помощи. Постарайтесь освободить для себя больше времени и сократить общение с коллегами и друзьями.

СТРЕЛЕЦ

Постарайтесь на полную мощь использовать имеющиеся у вас деловые контакты, помощь друзей. Сумейте войти в доверие к собеседнику. Возможен весьма конструктивный разговор с начальством.

КОЗЕРОГ

Чтобы избежать возможных неприятностей, постарайтесь быть собраннее и уравновешеннее, чем обычно. Не попадайтесь на удочки авантюристов. Ищите новых деловых партнеров и союзников.

ВОДОЛЕЙ

Не стоит проявлять излишнюю активность и инициативу в деловой сфере. Стоит только поделиться своими планами с коллегами и близкими людьми. Займитесь созданием чего-нибудь нового.

РЫБЫ

Не торопите события. Вам лучше проявить осторожность – вспыльчивость может привести к серьезным ссорам. Удачное время для начала больших и важных дел.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИСИ

Ўзбек театри тарихида опера санъати намояндаларининг алоҳида ўрни бор. Шулар орасида Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ҳам ўз ижро маҳорати, кучли ва гўзал овози билан миллий операмиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган санъаткорлардан биридир. Унинг Венгрия, Латвия, Греция ва Италия мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли 1-2-3-ўринларни қўлга киритганлигини фахр ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.



МУЯССАР РАЗЗОҚОВА

– Етти ёшлигимдан бошлаб саҳнада қўшиқ айта бошлаганман, – дейди Муяссар Раззоқова. Мактабдаги бирон-бир тадбир мансиз ўтмасди. Мана шу тадбирларда "Қуёш, ботма ҳеч қачон", "Олтин сандиқ", "Уч дугона", "Йўлларим" деб номланган қўшиқларимни айтардим. Шу боис мактабда анча машҳур эдим. Кейинчалик туман ва вилоят миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларда ҳам қатнаша бошладим. Бу кўрик-танловларда ҳар доим 1-ўринни қўлга киритганман. Бир гал вилоят миқёсида ўтказилган қўшиқ кўрик-танловида ғолибликка эришганимдан сўнг менга "Марҳабо, талантлар" деб номланган республика кўрик-танловида қатнашишим учун йўлланма беришди. Танловга астойдил тайёрландим. Ниҳоят, уринишларим зое кетмади. Танловда фахрли ўринни қўлга киритдим. Ўшанда жуда ҳам хурсанд бўлганман. Бу кўрик ҳаётимда муҳим из қолдирди. Чунки ана шу танлов туфайли машҳур санъаткоримиз Саодат опа Қобулова эътиборига тушдим. Ўшанда Саодат опа кўрик-танлов тугаганидан сўнг мен билан суҳбатлашиб, Консерваторияга ўқишга таклиф қилди. Бу таклифдан бошим осмонга етганди.

Шундай қилиб, мактабни битирганимдан сўнг ҳеч иккиланмай Консерваториянинг мақом бўлимига ўқишга кирдим. Анча вақт ўтганидан кейин бир куни мени Консерваториянинг вокал бўлими кафедра мудири Юрий Барсов чақириб қолди. Хоналарига кирдим. Менинг ҳайрон бўлиб турганимни кўрган Юрий Барсов, "сени чақиртирганимнинг боиси овозингни текшириб кўрмоқчиман", деди. Кейин овозимни эшитиб кўрди-да, "овозинг ҳақиқий "олтин фонд" экан", деди ҳаяжон билан. "Сени қўшиқ айтишга ўргатиш шарт эмас, сенда табиатан тайёр овоз бор. Муяссар, ўқишингни вокал бўлимига ўтказгин, сендан яхши опера қўшиқчиси чиқади", деди. Ёшлигимдан операни жуда яхши кўрардим. Айниқса радиодан Саодат Қобулова ижросидаги опера арияларини эшитиб қолгудек бўлсам, юраётган йўлимдан ҳам тўхтаб қолардим.

Юрий Барсовнинг таклифи менга маъқул тушди. Ўқишимни мақомдан вокал бўлимига ўтказдим.

Опера ҳақида мутлақо тушунчаси бўлмаган Муяссар ушбу санъатнинг сир-асрорларини сидқидилдан ўрганишга ҳаракат қилди. Бунда унга устозлари Саодат Қобулова, Разалинда Лаут ва Юрий Барсовларнинг берган кўмаклари катта бўлди.

– Уларнинг меҳнатлари туфайли опера санъатига меҳрим ошиб, усиз яшолмайдиган, куйламасам туролмайдиган бўлиб қолдим, – дейди Муяссар опа. – Билсам, опера санъати мураккаб соҳа бўлиб, бу йўлда унча-мунча одам куйлай олмас экан. Тўғри, операни ҳаммаям тушуниб етмаслиги мумкин. Лекин фарзандларимизда ёшлигидан опера санъати ҳақида тушунча ҳосил қилиб борсак, улар юксак санъат асарини тушуниш руҳида тарбияланадилар.

Муяссар Раззоқова бежиз санъат йўлини танламади. Том маънода миллий маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбияланган бу инсон ўзбек санъатини жаҳонга танитиш, айни пайтда жаҳон санъати дурдоналаридан халқимизни ҳам баҳраманд этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу боис ҳам ана шу эзгу иш йўлида машаққатлардан чўчимай, тинимсиз изланади. Ана шундай изланишлар самараси ўлароқ, Ж. Вердининг "Травиата" операсида Виолетта, "Риголетто"да Жилда, Дониццеттининг "Лучия" операсида Лучия, Мухтор Ашрафийнинг "Дилором" операсида Дилором, Сулаймон Юдаковнинг "Майсаранинг иши" операсида Ойхон каби йигирмадан ортиқ ўзбек ва жаҳон классикаси дурдоналарининг арияларини маҳорат билан ижро этди.

Муяссар Раззоқова шу вақтга қадар Америка, Франция, Италия, Арабистон, Россия, Япония каби мамлакатларда ўз яккахон концерт дастурини тақдим этган.

– Адашмасам 2005 йил эди. Москва шаҳрида бўлиб ўтган яккахон концертимдан сўнг яна ижод қўйнига шўнғидим. Олдиндан Дониццеттининг "Севги шароби" операси мени оҳанрабодек ўзига тортиб келарди. Раҳбариятдан шу асарни саҳнага қўйишни илтимос қилдим. Томошабинларга жиддий асарлар билан бирга "Севги шароби"га ўхшаш қувноқ, ҳаракатларга бой, гўзал мусиқаси ва ҳаётий саҳналари билан ўзига тортувчи спекторларни ҳам тақдим этиб туриш керак. Бу операда мураккаб вокал ариялар ҳам етарлича. Менга аслида мана шундай овоз товланишларига бой мураккаб асарлар ёқади.

Муяссар Раззоқова мана ўн саккиз йилдирки, Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида фаолият юритиб келмоқда.

– Қадрдон театримизни жуда яхши кўраман. Шу боис ҳам, энг аввало, ўз театримда, ўз мухлисларим учун куйлашни истайман. Хорижга эса ўзбек санъати имкониятларини кўз-кўз қилиш учун чиқаман. Биласизми, юртимиз одамларининг санъатимга муносабати менга ҳамма нарсадан қадрли.

Миллий опера санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб, уни жаҳон саҳналарига олиб чиқаётган Муяссар опага узоқ умр, янада улкан ижодий парвозлар тилаб, дилидаги барча орзуниятлари амалга ошишини истаб қоламиз.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
"Ватанпарвар" мухбири.

16 Қўшиқларда Ватан мадҳи

Шоир Хуршид Давроннинг "Ўзбекистон" деб номланган мазкур шеърида ҳам она Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуси тараннум этилган.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбек элим нури дийдам, қарағимсан,
Ўзбек элим осмониму тупроғимсан,
Ҳам қувончим, ҳам бахтиму фироғимсан,
Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.

Тупроғингда аждодларим изи қолган,
Боболарим терларининг тузи қолган,
Ҳар гардида момоларим кўзи қолган,
Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.

Нақорат:
Дардим, ҳаётим, аччиғим, тотим,
Ёлғиз баётим, сенсан Ватаним.
Кўрар кўзим сен, айтар сўзим сен,
Қолар изим сен, сенсан Ватаним.

Бешигингда аллаладинг дунёларни,
Дунё очган неча-неча даҳоларни,
Болам дединг юраклари адоларни,
Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.

Сен онамсан, бор дардларинг менга бўлсин,
Қанча бўлса машаққатлар менга бўлсин,
Дилимдаги муҳаббатлар сенга бўлсин,
Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.

Нақорат.

ҲАРБИЙ САНЪАТКОРЛАР БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИГА ШАЙ

Мустақиллик бу – истиқлол, озодлик, ҳуррият демакдир. Бу муқаддас сўзлар гарчанд қадим-қадимдан мавжуд бўлса-да, айни замонда бизнинг тилимизда бошқача оҳангда янграмоқда. Мана ўн олти йилдирки, бу қутлуғ каломлар тилимизни безаб, дилимизни ёруғ қилиб келмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган кун ҳар йили юртимиз бўйлаб тантана ва шодиёна сифатида байрам қилиб келинади. Шу кунларда мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон ушбу байрамнинг 16 йиллигини муносиб нишонлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг улуғ айёмга тайёргарлик жараёни ҳар қачонгидан ҳам қизғин кечаяпти. Айни дамда улар Мустақиллик майдонида халқимиз эътиборига намойиш этилиши мўлжалланаётган байрам дастурининг сўнгги тайёргарлик жараёни устида ишлашаяпти. Дастур аввалида чиқиш қиладиган ҳарбий блокнинг асосини Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Мудофаа вазирлиги алоҳида намунали кўргазмали ҳарбий оркестрларининг чиқишлари ташкил этади. Оммавий саҳналарда кўплаб ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, аскарлар иштирок этишиб, жанговар қурол билан саф машқларини бажарадилар.

– Тайёргарлик жараёни ҳар йилгига қараганда жуда қизиқарли ва қизғин кечаяпти, –дейди дастур бадиий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист офицер Шуҳрат Дадажонов. – Мана бир неча йилдан бери ҳарбийларимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамимиз тантаналаридаги чиқишлари юксак баҳоланиб келинаяпти. Бу эса бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Шу боис дастур иштирокчилари мана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда астойдил ҳаракат қилишмоқда. Барча репетицияга, машқларга ўта талабчанлик билан қарамоқда. Бу йилги байрам дастуримизга кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Ҳар бир ҳаракат, мусиқа, оҳангнинг ўзаро мутаносиблиги, мантиқий боғланиши ижодий баҳсларда янада сайқалланди. Энди бевосита дастур ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Унда кун сайин янгиланаётган, ислоҳотлар жараёнида куч-қудрати ошаётган миллий армиямиз, интеллектуал салоҳияти юксак ҳарбийлар қиёфаси, ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиши жанговар куй ва мусиқалар, видеолавҳалар орқали намойиш қилинади. Бир сўз билан айтганда, халқ ва армиянинг яқдиллиги, ўзбек армияси бор экан, мамлакатимиз, халқимиз тинчлиги, осойишталигига ҳеч ким раҳна сололмаслиги қисқа лаҳзаларда акс эттирилади. "Жаннат элим" ва "Ҳарбийлар қўшиғи" деб номланган қўшиқлар эса томошабинларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Майдонда ҳарбий мусиқа садолари остида машқ бажараётган ҳарбийларнинг ҳаракатини кузатамиз. Посбонлар шаҳдам қадамлар ташлаган ҳолда гоҳ ўнгга, гоҳ чапга юзланадилар, жанговар қуролларини маҳорат билан ўйнатиб, турли машқлар бажараяпти. Дастурнинг саҳналаштирувчи режиссёри, Қуролли Кучлар хизматчиси Анатолий Голошапов бадиий раҳбар билан биргаликда уларнинг ҳаракатларидаги хато ва камчиликларни ҳамда саҳнадан тушиб қандай ҳаракатланиш, қандай гапириш, мурожаат қилиш кераклигини батафсил кўрсатиб ўтади. Хуллас, Мустақиллик байрами тантаналарига тайёргарлик машқлари ҳарбийча шижоат, тартиб-интизом, уюшқоқлик билан давом этаяпти. Биз фурсатдан фойдаланиб, иштирокчиларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, уларга йўл-йўриқ бериб турган Анатолий Голошаповни суҳбатга тортдик.

– Ҳар йилги байрам тантаналарида ҳарбийлар дастурини янги-янги шакл ва кўринишларда намойиш этиш осон иш эмас. Бунинг учун кўпроқ изланиш керак. Шу боис биз бадиий гуруҳ билан байрамларда бир-бирини такрорламайдиган дастур тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Бу йил ҳам қўлимиздан келганича байрам дастурига ўзгартириш киритдик. Четдан таниқли бастакор ва шоирларни ҳам жалб этганмиз. Энг муҳими, ҳарбий санъаткорлар, иштирокчилар, ташкилотчилар халқимизга манзур бўладиган, ёшу қарининг қалбида ватанпарварлик туйғуларини, миллий армиямизга бўлган ишонч ва эътиқодларини кучайтирадиган янги дастурни маромига етказиб ижро этиш учун жиддий киришганлар. Ўйлаймизки, бу йилги дастур ҳам барчага бирдек ёқади.

Биз ушбу сўзларни тинглар эканмиз, катта саҳналарда юксак маҳоратларини, ижодий имкониятларини намойиш этиб келаётган ҳарбий санъаткорларимиз бу галги байрам шодиёналарида янада катта муваффақиятларга, олқишларга сазовор бўлишларига ишонч ҳосил қилдик.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.



ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

(Тарихий ҳикоя)

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Кирёвуш амри билан юнонлар отлиқлар ўрнига ҳужумга отланишди.

– О, Афина-Паллада! – ҳайқирди Теодаракис олдинга ташланиб. Юнон лашкарбошиси анча жанг кўрган, бутун умри урушда ўтган бўлса ҳам бундай қуролга сира дуч келмаган эди. Ширакайф Мардоний эса душманга даранинг орқасидан зарба беришга буйруқ олди. Форс суворийлари дарага кириш йўли томон отларни елдиришди. Аммо кутилмаганда қаердандир дербиклар ва сакларнинг учқур отлари пайдо бўлиб, улар қаршисига пешвоз чиқди. Мардоний бу самовий отлар эканлигини билди. Эрон отлари уларга бас келолмаслигини саркарда дастлабки тўқнашувдаёқ кўрди. Уни яна чочликлар ва дахларнинг жанг услуби ҳайратга солди. Икки қўлида икки қилич ўйнатиб, икки оёғини отга тираб, учинчи отни ҳам йўлга солиб бораётган чавандозларга бас келишнинг ўзи бўлмаслигини тажрибали саркарда тушунди. Мардоний жанг бой берилганини сезди. Агар тезроқ жуфтакни ростлаб қолмаса, бу жанггоҳдан соғ чиқиши даргумон. У чочликлар сардори билан Теодоракис ўртасидаги жанг кимнинг ғалабаси билан тугашини кузатмай, дуч келган рақибни отдан қулатиб, Окс соҳили томон қоча бошлади. Ниятига етай деганда ўнг тарафдан унинг йўлини тўсиш учун келаётган отлиқни кўрди. Бу ахир саклар подшоси Аморг-ку? Мардоний қўлидаги қиличини ўйнатганча унинг истиқболига от қўйди. Қиличлар тарақлаб кетди. Иккиси ҳам моҳир қиличбоз. Олишув қизиб кетди. Мардоний бутун ҳаёт-мамоти қил устида турганини сезган ҳолда жон-жаҳди ила кўп йиллик маҳоратини ишга солди. Икки саркарда жанги тобора қизиб борарди.

Жанг бой берилганини Эрон шаҳаншоҳи Кирёвуш ҳам сезди. У ўз сара соқчи мангулари билан отларга қамчи уриб, қочишга шайланди. Аммо отлари уларни самовий деб довруғ таратган Турон тулпорлари таъқибидан қутқара олмас эди. Спаретра отган ўқ Кирёвушнинг елкасига тегди. Шаҳаншоҳ ўзини зўрға отда ушлаб қолганида Спаретра унга етиб келди. Кирёвуш ярқираган қилич кўтарган саклар маликаси чеҳрасида ажал шарпасини кўрди. Унинг моҳир мангулари ҳам танг аҳволга тушди.

Тўмариснинг олдига асирга олинган форсларни олиб келишди. Улар орасида Гобрия ва Крез ҳам бор эди.

– Кирёвушнинг каллаесини келтиринг!

Малика қўлида меш кўтариб келган массагетга имо қилди. Унинг ишораси билан эса Аморейнинг саркардаси қўлидаги қонли каллани баланд кўтарди.

– Эй, Кирёвуш!

Тўмариснинг янгроқ хитобидан барча массагетлар, дербиклар, чочликлар ва дахлар унинг атрофига тўпландилар.

– Сен умринг бўйи инсон қонига тўймадинг, мен эса Тангрим номи билан ичган қасамимга мувофиқ сени одам қонига тўйдираман. Тўйгунингча ичавер!

Дах саркардаси каллани қон тўла мешга улоқтирди.

– О, Ахурамазда!

Крезнинг хитобидан Тўмарис нигоҳини унга қаратди.

- Нима демоқчисан, Лидиянинг собиқ подшоҳи?

- Фалак гардишини қаранг, маликам. Не-не урушларда зафар қозониб, ўттиз йил Эрондек қудратли салтанатни барпо этган одамнинг ҳоли шу бўлса? Шундай улкан ерларнинг ҳукмдори учун бир меш кафан бўлса?

Крез ички титроқ ила қўйнидан қонга белланган дастрўмолни чиқариб, малика томон қадам ташлади.

– Ўғлингиз Спарғаниз қони билан қасам ичаманки, ким бу ўлкага қилич кўтарса, у ўшандан ҳалок бўлади. Кирёвуш тақдири бунинг исботи, маликам.

– Ана шу ҳақиқатни, – деди дона-дона қилиб Тўмарис, – юртдошларингизга етказинглар, дея озод қиламан сизларни…

Тўмарис Крез узатган дастрўмолни ҳаяжон ичра кўксига босди.

– Болагинам!

Форслар бошларини қуйи солганча Окс соҳили томон йўл олишди. Гурзидан бели лат еган Гобрияни улар замбилга солиб кўтаришди.

– Сен ҳақ эдинг Крез, – деди муқаррар ўлимини кутиб озодликдан ўзини йўқотиб қўйган бош маслаҳатчи. – Кирёвуш доим менга сени мақтарди. Доно, донишманд деб. Ўшанда маслаҳатингга кирмай янглишибмиз…

Массагетлар уларни дарёда қайиққа ўтқазиб, орқага қайтишганда эса Гобрия қўлини мушт қилиб ўқталди.

– Биз яна бу ерга қайтамиз. Ҳа! – Гобриянинг юзида ғазаб ва алам акс этди.

Мотам либосида Спаретра адр тепасида қад ростлаб турган Тўмарисга яқинлашди. У дастрўмолни қўлида тутганича ҳайкалдек қотиб турарди.

– Пешонам шўр экан, Тўмарис, – деди Спаретра, – шунқоримдан ажралдим.

– Аморг менинг ҳам дўстим эди, қудажон.

Бири фарзанд доғида, иккинчиси жуфти ҳалоли ҳалокатидан изтиробда дугоналар олдига Зарина от чоптириб келди.

– Аяжонларим, – дея улар қучоғига отилди.

– Унга ҳаммамиздан қийин, – деди Тўмарис, – ҳам отадан, ҳам эридан ажралди.

– Ёлғиз қолди, қизгинам, – дея шивирлади Спаретра.

– Йўқ, – кескин бош чайқади Тўмарис. – Унда ўғлим зурриёди бор. Ҳа, зурриёди!

– Ҳа, – деди мағрур онасига боқиб Зарина, – сак ва массагетлар қони бирлашган унда!

Пастда эса жасадларни йиғиштираётган сак ва массагетлар ўзаро нималарнидир гапиришар ва тепаларида турган саркардаларига эҳтиром ила қараб-қараб қўйишар эди.

Милоддан аввалги 529 йил ёзининг сўнгги оқшоми Турон узра чўкмоқда эди.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

КИНО ОЛАМИДА



ЗУМРАД ВА ҚИММАТ

Баъзида турмушдаги гўзал бир вазият ҳақида сўз кетса, "Ия, бу эртак-ку, бунақаси ҳаётда бўлмайди", деган фикрлар тез-тез учраб туради. Ҳа, кўпинча эртак реал ҳаётнинг аксидек туюлади. Аммо буларнинг барчаси оддий ҳаётнинг маҳсули эканлиги кундек равшан. Шу маънода режиссёр Баҳром Ёқубовнинг "Зумрад ва Қиммат" фильми айнан ўзининг реаллиги билан тилга тушса, ажабмас.

Оилавий муаммолар кўтарилган бу фильмда кўплаб мухлислар ўзларига таниш, мураккаб вазиятларга дуч келиши табиий ҳол.

Мазкур фильмнинг сценарий муаллифлари Эркин Хушвақтов, Валерий Гусев ва Баҳром Ёқубовдир. Картина лавҳалари эса оператор Талъат Мансуров томонидан тасвирга туширилган. "Зумрад ва Қиммат"-ни суратга олиш ишлари шу йилнинг май ва июнь ойларида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Баҳром Ёқубов авваги фильмларидан фарқли ўлароқ, ўзининг янги ижод намунасига буткул янги актёрлар гуруҳини жалб этганини кўришимиз мумкин. Хусусан, асосий қаҳрамонларни талқин қилган Дилноза Кубаева, Ойбек Рихсибековлар шулар жумласидандир.

Фильмда севимли актёрларимиз – Яйра Абдуллаева, Нодира Маҳмудова, Фатхулла Маъсудов, Зилола Аҳмадбекова, Мирза Азизов ҳамда Зуҳра Ашуровалар ҳам янгича қиёфада намоён бўлишади. Мазкур фильм асосида Зумрад, Қиммат ва Ҳурмат исмли опа-сингилларнинг тақдири ётади. Айтиш жоизки, ушбу картина режиссёр Баҳром Ёқубов ижодидаги ижобий якуи билан тугайдиган илк фильмдир. "Шарқ синема" студиясининг маҳсулоти бўлган "Зумрад ва Қиммат" фильми 20 августдан бошлаб мамлакатимиз кинотеатрларида намойиш қилина бошланди.

Карина ҚУРБОНОВА.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3985. **Адади** 25760.